

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**



“МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ

**Маҳобатли рангтасвирда ашёда ишлаш
фани бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Билим соҳаси:	100 000	–	Гуманитар фанлар
Таълим соҳаси:	150 000	–	Санъат
Таълим йўналиши:	5150800	–	Рангтасвир (маобатҳли)

Тошкент 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДНИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ



“Тасдиқлайман”

Ўқув ишлари бўйича проректор

Б.Хаджиметов

28 2018 йил

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ

“МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ

5150800 – РАНГТАСВИР (МАҲОБАТЛИ)

МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИРДА АШЁДА ИШЛАШ
фанининг

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Тошкент 2018

Ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2018 йил 7. 12 даги 1000-сонли буйруғи билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Ш.Жуманиязов. - К.Бехзод номидаги МРДИ, "Маҳобатли рангтасвир" кафедраси ўқитувчиси,


Такризчилар:

Д.А.Нозилов. - ТАҚИ профессор, архитектура фанлар доктори.
Абдуллаев С.А. - МРДИ "Дастгоҳли рангтасвир" кафедраси профессори, академик, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби

Ўқув услубий мажмуа "Маҳобатли рангтасвир" кафедрасининг 2018 йил 29 08 даги 1-сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Кафедра мудири:  Ш.Жуманиязов

Ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Тасвирий санъат факультети Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия этилган (2018 йил 30 08 № 1 -сонли баённома).

Факультет кенгаши раиси:  А.А.Юсупов

Ўқув-услубий мажмуа Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув услубий Кенгашининг 2018 йил 29 08 даги 11-сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

Ўқув бўлими бошлиғи:  К.Кодиров

МРДИ, 2018 йил

М У Н Д А Р И Ж А

№	Бўлимлар	Бет.
1	Ўқув материаллари	5
1.1	Маъруза матнлари	5-91
2	Мустақил таълим машғулоти	92-93
3	Глоссарий	94-97
4	Иловалар	98
4.1	Фан дастури	98-105
4.2	Ишчи фан дастури	106-114
4.3	Тарқатма материаллар	115-119
4.4	Тестлар	120-124
4.5	Баҳолаш мезонлари	125
4.6	Ўқув-услубий мажмуанинг электрон варианты	

1. Ўқув материаллар.

1.1. Маруза матнлари

1-курс 1-семестр. Кириш: Левкас усулида қадимги миср, хитой, япон рассомлари томонидан бажарилган деворий расмлардан нусха кўчириш.

1. Левкас усулида қадимги миср, хитой, япон рассомлари томонидан бажарилган деворий расмлардан нусха кўчириш.
2. Қаламда картон ишлаш.
3. Рангли картон ишлаш.
4. Левкас сувоғи катламларини тайёрлаш.
5. Калькага кўчириш.
6. Чизматасвирни асосга кўчириш.
7. Керакли рангларни тайёрлаш.
8. Рангда якуний тозалама нусха кўчириш.

1-мавзу. Левкас усулида қадимги Миср, Хитой, Япон рассомлари томонидан бажарилган деворий расмлардан нусха кўчириш

Ўқитувчи томонидан берилган мавзуга асосан Миср, Хитой, Япон қадимги гравюраларнинг эскизи мойбўёк, темпера ёки акрил бўёкларида бажарилади. Ўлчами катта томонига 35 см.дан ошмаслиги керак.

- рангтасвирда турли техникаларда яратилган композициялар ва уларнинг ўзига хослиги (чизматасвир, рангтасвир, композиция, картон ва б.);
- маҳобатли рангтасвир техника ва технологиялар;
- деворни тайёрлаш технологияси ва босқичлар;
- турли бўёқда асарларни яратишда қўлланиладиган ашёлар;
- ёғоч-елим аралашмалари, казеин елими, желатин елимлар;

- маҳобатли рангтасвир ашёлари: смалта, цемент, оҳак, кум, пигмент, темпера, цинквейс, гипс, бўр, эмулсия ва бошқалар ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- маҳобатли рангтасвир техника ва технологияларни;
- деворни тайёрлаш технологияси ва босқичларини;
- турли бўёқда асарларни яратишда қўлланиладиган ашёларни;
- асарлар яратишда қўлланиладиган ашёларни;

- маҳобатли рангтасвир ашёлари: смалта, цемент, оҳак, кум, пигмент, темпера, цинквейс, гипс, бўр, эмулсия ва бошқалар таркибини билиши ва улардан фойдалана олиши;

- деворий расм асарини бошлашдан олдин деворни тайёрлаш босқичлари ва усуллардан фойдаланиш;

- маҳобатли рангтасвир техника ва технологияларидан фойдаланиш;
- деворни тайёрлаш технологияси ва босқичларидан фойдаланиш;
- турли бўёқда асарларни яратишда қўлланиладиган ашёларни ишлатиш;

- маҳобатли рангтасвир ашёлари: смалта, цемент, оҳак, кум, пигмент, темпера, цинквейс, гипс, бўр, эмулсия ва бошқалар хусуиятларидан фойдаланиш;

- ёғоч-елим аралашмасидан, казеин ва желатин елимларидан фойдаланиш;

- мато ва ашёлардан, декоратив ранглардан фойдаланиш кўникмаларга эга бўлиши керак.

Шунингдек, “Маҳобатли рангтасвирда ашёда ишлаш” фани мутахассислик-ихтиссослик, касбий фанларидан бири бўлиб, бошқа мутахассислик-ихтиссослик ҳамда касбий фанларни чуқур ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу фан бадиий таълим ислохотларини янада чуқурлаштириш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида уларнинг касбий хусуиятларини ривожлантирувчи, шунингдек, иқтидорли, ижодкор рассом

кўникмаларини ўзида намоён қилувчи ва соҳага қизиқиш уйғота олувчи, ўз йўналишини топишда, айниқса, маҳобатли рангтасвир асарини ашёда ишлашни ўргатувчи каби масалаларни қамраб олади. “Маҳобатли рангтасвир ашёда ишлаш” фанида архитектурада деворий расмлар роспись, сграфитто, мозаика, витраж турлари жамоа биноларига жойлаштириш ва безаш жараёнларининг моҳиятини тушунишда талабаларни зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради.

Маҳобатчи-рассом, графикачи-рассом, рангтасвирчи-рассом, театр-безаги рассоми, дизайнер, кулол фойдаланиладиган ашёларнинг композицияга мослиги, гипсдан, цемент, смльта, мазайка, сграфитто, роспись, витраж асарлари яратишнинг ўзига хос томонлари, маҳобатлирангтасвир миллий санъатимизни жаҳон андозалари даражасида маҳорат ва истеъдод билан юксалтира олувчи ёш рассом усталарини етиштириб беришдир.

Меъмор ва рассомларнинг доимий бадий хамкорлигини таъминлаш, уни юқори савияга кўтариб, санъат асари даражасига тенглаша оладиган янги меъморий иншоот, аҳамиятли жамоат биноси ва ансамблларининг яратилишини таъминлаш даркор. Меъморчиликда ғоявий – тасвирий масалаларни ечишда монументал – безак санъати доим катта аҳамиятга эга бўлган, чунки унинг элементлари ансамблнинг бадий ечимини чуқурлаштириб, уни аниқлаштирган ва етакловчи доминанта бўлиб хизмат қилган. Деворий суръатлар, мозайка, сграфитто, ҳамда гобелен минг йиллар мобайнида бу санъатда муҳим ўрин эгаллаган. Бу монументал –безак ва амалий санъатнинг турлари Ўзбекистон меъморчилигининг энг ёрқин асарларида муносиб жой олган. Ҳозирги кунда ҳам меъморий ансамбъларнинг тасвирий ечимидаги асосий элемент ҳисобланади. Агар шу нуқтаи назардан меъморчилигимизни таҳлил қиладиган бўлсак, деворий суръат, мозайка, гобелен кейинчалик ҳам кенг қўлланилишига амин бўламиз. Табиийки бу асарлар юқори бадий даражада яратилиши керак. Лекин янада маъсулиятли вазифа – уларнинг муносиб савияда бажарилиши, ашё, ишни олиб бориш услуби уларнинг кўп асрлик сақланишини ўқтин – ўқтин,

киммат, сермеҳнат, кўп вақт ва кучни оладиган қайта таъмирлаш ишларини талаб қилмаслигини таъминлашдан иборат. Замонавий дизайнер ва архитектор фан ва тажриб 5 ишида бадиий юксалишга, балки асарнинг узок муддат сақланишини таъминламоғи лозим. Деворий суръатларнинг вақт ўтиши билан ҳар хил табиий ҳодисаларга бардошлилиги доим рассомларни ҳавотирга солган, даврга хос хусусиятлардан, ашё ва технологиядан келиб чиққан ҳолда мақсадга мувофиқ ечимларни излашга ундаган. Эҳтимол, декоратив санъатнинг бошқа ҳеч қайси соҳасида гобелен санъатидаги хилма – хил туслар бўлмаса керак. Сўнгги пайтда қўлда тўқиш усуллари турли – туман тақдим этилган – деворий силлиқ гиламлардан тортиб меъморчилик билан ўзаро таъсирга кирадиган уч ўлчамли фазовий композицияларгача. Агарда ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, янги гобеленлар ечими билан бир қаторда унинг ёрқин намуналари қайта ишланган. Лекин гобеленнинг юксалиши, унинг асл ноёб асарлари ўз йўли билан, яъни ҳозирги рангтаъсирдан фарқли ҳолда композицион ечимларини топганда яратилган. Масалан, илк фламанд гобеленлар Ж. Люрсга тааллуқли бўлган. Тўқимачилик воситалари ёрдамида халқимизнинг ҳаётини акс этувчи монументал асарларни яратиш шарт. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жойизки, гобеленга бўлган қизиқиш нафақат бизнинг давлатимизда, балки бутун дунёда, Ғарб (Европа ва АҚШ), Шарқ (Хитой, Япония)да кузатилмоқда. Бу йўналиш йилдан йилга мўстаҳкамланмоқда, динамикаси эса фақат кучаймоқда. Бунга гобелен кўрғазмаларининг доимий равишда муваффақиятли ўтиши, ҳамда дунё миқёсида унга бўлган талабнинг ошиши исбот бўла олади. Албатта, ҳозир деворий суръатлар ва гобеленлар олдинги давр рассомларининг тажрибаларига таянган ҳолда бажарилади, шунинг учун бу тажрибани амалда саводли қўллай билиш – замонавий деворга суръат солиш ва гобелен усталарининг биринчи даражали бурчи десак ҳам бўлади. Бу уларнинг ижодий меҳнатларининг негизидир, чунки ашёларни ақл билан ишлата билиш, ишларни тўғри ташкил этиш ижодий улғайишнинг бир томони ҳисобланади. Юқори даражадаги маҳорат ҳунардан ташқарида 6

бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда ижодий фикр, ғоя ва интилиш техник номукамаллик ва технологик хатоларда —ботиб қолиши мумкин. Асл маҳоратда қобилият ва ҳунарнинг ўртасида чегара бўлмайди. Деворий суръат санъатида минг йиллар давомида йиғилган ва олим, ҳамда антик меъморлари (Гай Секунд Плиний, Марк Полион Витрувий), кейинги аср рассом ва меъморлари (Теофил, Леон Б. Альберти, Дж. Вазари, Ч. Ченнини, Дионисий Фурнаграфиот ва ҳ.к.лар), бизнинг давримизнинг олим, тадқиқотчи ва технологлари (А. Лукас, П. Бодуэн, Э. Бергер, Д. И. Киплик, А.А. Комарова ва ҳ.к.лар) томонидан ўрганилган ва изоҳланган тажрибанинг ўрганилиши - бунинг барчаси назарий – амалий асос бўлиб, унинг таҳлил қилиниши ва олинган барча ижобий билимларни амалиётда қўллаш шубҳасиз замонавий деворий суръат санъатининг ривожига катта ҳисса қўшади.







2-мавзу. Қаламда картон ишлаш.

Монументал рангтасвир таълим жараёнида нусха кўчириш муҳим аҳамиятга эга. Қадимий деворий расмлар ўзига хос усул ва услуби мавжуд бўлиб, ёш мусаввирга уни ўрганиш, машқ қилиш фойдадан холи эмас. Чунки бўёқ тайёрлаш, бўяш босқичларини амалга ошириш муҳим касб этади.

Бунинг учун левкас тайёрлашни ҳам билиш кеак. Левкас тайёрлашда ёғоч, тахта, фанера, оргалит, DSP, текс шифердан фойдаланиш мумкин. Унинг текис юзасига грунт (олдиндан тайёрланган елимли ганч кукуни) қатлами суркалади. Грунтни эса шпател билан суркаб, ҳар қатламдан кейин кумқоғоз билан текисланади. Ана шу йўл билан тайёрланган левкас тахта бўлакчасига нусха кўчириш амалга оширилади.

Левкас бажариш усули жуда оддий бўлиб, инертли (қотмайдиган) гипс кукунини казеин – мойли темпера билан аралаштириб тайёрланган бўёқдир. Левкас мустақил безакли хусусиятга эга. Бу усул намликка чидамайди. Шунинг учун қуруқ деворлар учун бажарилиши керак.

Левкас бўёғини аралаштириш учун (палитра) пластмасса ёки металл тарелкаси хизмат қилади. Левкас ҳайкалтарошлик стекни зарур бўлади.

Тайёрланган левкас плитаси плитага грунтсиз фақат эмулсия билан бирга елимлаб тўғридан-тўғри рангтасвир бажарилади.

Бўяшда энг аввало қорамтир қисмидан бошлаш маъқул. Унда ҳам тўлалигича тусда ранг бермаслик керак. Чунки иккинчи, учинчи марта ранг бериш имконияти бўлса тасвир аслига яқин чиқишига ёрдам беради.

Нусха кўчиришда бўёқ, қилчўп ва сувли идишдан фойдаланилади.

Нусха кўчириш акварел бўёқ билан ишлаш каби босқичларга эга. Оқ ранг ўрнига левкас грунтнинг оқ рангидан фойдаланилади ва тус, ранг нисбатлари сақланиб қолиши керак.

Левкас бўёғи мастихин, шпател билан ишланса, қалинроқ бўлса ҳам тўкилиб кетмайди. Қалинлиги 2 см гача бўлиб, ҳар хил текис ёки ғадир-будур бўлиши мумкин.



3-мавзу. Рангли картон ишлаш.

Деворий расмдан нусха кўчиришда калка ёрдамида тасвир бўлакчасини калкага чизиб кўчириб чиқилади ва шаблон тайёрланади. Тасвири шаблонни эса тайёрланган левкас тахтачага кўчирилади. Чизматасвир кўчирилгандан кейин янада аниқлик киритилади. Кейин эса тайёрланган бўғқ ёрдамида тасвирнинг аслига қараб секин-аста ишлов берилади.

Бўяшда энг аввало қорамтир қисмидан бошлаш маъқул. Унда ҳам тўлалигича тусда ранг бермаслик керак. Чунки иккинчи, учинчи марта ранг бериш имконияти бўлса тасвир аслига яқин чиқишига ёрдам беради.

Санъат намуналарини ўрганиш асосида тайёрлаш ва тасвирий санъат технологияси ва нусха кўчириш фанига тегишли материаллардан тўғри фойдаланиш методикаси билан таништириш тизими, бир қатор вазифаларни белгилайди. Тасвирий санъат фанларида амалий машғулотлар бажариш учун турли материаллардан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир бажарилаётган вазифа учун ушбу материалларни тўғри танлай билиш, тасвирни муваффақиятли бўлишида катта аҳамиятга эгадир. “Нусха кўчириш” – асл асардан қараб яна бир худди ўшандай иш бажариш (тақлиддан усул қўллаш)дир. Тасвирий санъат асарларидан нусха кўчириш азалдан амалда қўлланиши керак.

Қаламтасвирларни нусха қилиб кўчиришда иложи бўлса, асл намунадан кўчириш, унинг ўлчамлари асл намунага мос келиши керак. Акс ҳолда ишдан кичиклаштириб, ёки кичкина репродукциядан катталаштириб чизиш жараёни наф келтирмайди. Чунки бунда рассом қўллаган —приёмларни аслига ўхшатиш қийин. Рангтасвирлардан нусха кўчиришда ҳам ўзига яраша қонун-қоидаларга амал қилиниши лозим. Бунинг учун аввало, талаба ўрганиши ва ўзлаштириб ўрганиши мумкин бўлган жиҳатлари мавжуд бўлган асар намунаси танлаб олинади. Унинг ўлчамлари аниқланиб, сўнг уша ўлчамдан бир, бир ярим сантиметр кичикроқ ёки каттароқ мато танланади. Бунда аслият қандай матога (катта тўқимқдами, ёки майин

сатхлими) ишланганига қараб иш юритилади. Нусха учун аслиятдаги каби материаллар танланиши муҳин. Шунда асл нусхаси оригиналга ўхшаб чиқишига эришилади. Агар асар музей экспонати бўлса, унинг репродуксийси қўл остида мавжуд бўлса ана шу намунанинг кичик суратини катакларга чизиш орқали катталаштириб тархини тушириб тайёргарлик қилиб олиш мумкин. Бунда албатта асарнинг тасвири масштабга мувофиқ олинishi керак. Шунингдек асарда қандай бўёқ турлари ва хилларидан фойдаланилганлигини анқлаб олиш тақоза этилади. У суюқ ёки қуюқ суртмаларда ишланганлигини билиш, ўрганиш ҳам муҳим. Нусха кўчирувчи фақат тасвир режаси эмас, балки рассом услубини, техник ёлларини ҳам ўхшатиш, ундан маҳорат сирларини ўрганиши лозим.





4-мавзу. Левкас сувоғи катламларини тайёрлаш.

Левкас бажариш усули жуда оддий бўлиб, инертли (қотмайдиган) гипс кукунини казеин-мойли темпера билан аралаштирилиб тайёрланган бўёқдир. Левкас мустақил безакли хусусиятга эга. Левкас турлари кўп бўлиб, рангли левкада роспись бажариш усули билан танишиб чиқамиз. Бу усул намликка чидамайди шунинг учун куруқ деворлар учун бажарилиши керак.

Левкас бўёғини аралаштириш учун (палитра) пластмасса ёки металл тарелкаси хизмат қилади. Левкас билан ишлаш учун мастихин, шпател (белча), ҳайкалтарошлик стекни зарур бўлади.

Тайёрланган левкас плитага грунtsiz фақат эмулсия билан бирга елимлаб тўғридан-тўғри рангтасвир бажарилади.

Левкас усули жуда оддий бўлиб, катта тайёргарлик кўрмасдан амалга ошириш мумкин. Левкас бўёғи мастихин, шпател билан ишланса, қалинроқ бўлса ҳам тўкилиб кетмайди. Қалинлиги 2 см гача бўлиб, ҳар хил текис ёки ғадир-будур бўлиши мумкин.

Нусха кўчириш рангтасвирлар ишлаш жараёни қуйидагича бажарилади:

- аввал мақсадга мувофиқ келадиган асар нусха репродукцияси топилади;
- намуна ўлчаш аслига яқин қилиб олинган қаламтасвири ишлаб чиқилади;
- ромга мато тортиб гурунтланади;
- аслиятда қандай бўлса шундай усулда, техникада ишлашга ҳозирланади;
- аслиятда асосий рол ойновчи ранглар политраси тайёрланади;
- тайёр мато юзасига қаламтасвир туширилади, бунда қорақоғоздан фойдаланиш мумкин;
- қалам тархи суркалиб, кетмаслиги учун унинг устидан жигаррранг ёки —ультрамарин;
- бўёқни суюқроқ қилиб кичкина муйқаламда юргазиб чиқилади;

- тавир аниқ бўлгач остсуртмалар бажарилади;
- аста-секин бўёқ қатлами уатидан керакли ранглар ўз вазифасига қўра ошириб (баъзи ерда суйқ, баъзи ерда қуюқ қилиб) борилади;
- ранг бериш жараёнида тасвир тархи бузилиб кетмааслиги керак;
- аввал катта муйқалам ишлатилиб, тасвир деталлаштирила бошлагач кичикроқ муйқаламларга ўтилади;
- асл асарга бот-бот қараб, ўхшаш-ўхшамаётганлиги текшириб турилади;

Асар нусхаси барча кўзда тутилган талаблар бажарилгач ниҳоясига етказилади ва хошия билан безатилиши керак. Санъат асарларидан нусхалар олишда тасвирий санъат технологияси бойича илмий- назарий ва амалий жихатларини талаба ва ўқувчилар пухта ўзлаштиришлари керак. Технология борасида етарли билим ва малакаларни эгалламай туриб, талаба композитсия, каламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, ҳалқ амалий санъати ва бошқа фанларни юқори даражада ўзлаштира олмайди.



5-мавзу. Калькага кўчириш.

Бажарилган композиция бўлагининг рангли картонидан калка нусха олиш зарур. Калка нусха ашёда композиция бажариш учун нусха кўчиришда керак бўлади. Калка нусхасидаги тасвирни девор бўлакчасига кўчиришда игна ёрдамида тешиб чиқиш ёки нусха кўчириш рангли қоғоздан фойдаланиш мумкин.

Калка нусхаси рангли картонни тоза сақлашга ёрдам беради. Чунки рангли картон бутун иш жараёнида керак бўлади.

Аниқланган нусха ҳажмида ёғоч асос тайёрланади. Асоснинг чуқурлиги 5-10 см атрофида бўлиши мумкин. Асос тагига сим сетка михлаб кўйилади, бу сим эса сувокни маҳкам ушлаб туришга ёрдам беради.

Нусха кўчириш технологияси ва рассомлар асарларининг тахлили. Уста рассомлар асарларини нусхасини кўчириш технологиясини ўргатиш. Рассомларнинг яратган асарларини тахлил қилиб талабаларнинг ижодий тасаввурини шакллантириш.

Натюрморт жанрида ижод қилган рассомлар асарларидан нусха кўчириш. Рассом томонидан яратилган асарни нусхасини кўчириб уларнинг технологиясини ўрганиш.

Портрет жанрида ишлаган рассомларнинг асарларидан нусха кўчириш. Рассомларнинг ҳар-хил тузилишда яратилган асарларнинг нусхасини кўчириш технологиясини ўргатиш. Манзара жанрида ижод қилган рассомларнинг асарларидан нусха кўчириш. Рассомларнинг манзара жанрида яратилган ҳар хил мавзудаги санъат асарларининг нусхасини кўчириб уларнинг техникасини ўрганиш. Ҳар хил жанрларда ишлаган Шарқ ва Ғарб рассомлари бадиий асарларидан нусха кўчириш. Нусха кўчириш технологиясини ўрганиш ва талабаларнинг ижодий тасаввурини ўстириш.





6-мавзу. Чизматасвирни асосга кўчириш.


Нусха кўчиришда бўёқ, қилчўп ва сувли идишдан фойдаланилади.

Нусха кўчириш акварел бўёқ билан ишлаш каби босқичларга эга. Оқ ранг ўрнига левкас грунтнинг оқ рангидан фойдаланилади ва тус, ранг нисбатлари сақланиб қолиши керак.

Нусха кўчириш устида ишлаш жараёнининг моҳияти ва динамикаси. Яхлитлик қонуни тасвирий санъат технологияси ва нусха кўчиришнинг фикр билан уйқунлиги, бирлиги шакл ва мазмун бирлигининг ўзаро мувофиқлиги, шаклнинг мазмунга бўйсунлиги, барча қояларни турли ифода воситалари билан намоён эттириш йўллари. Контрастлилик қонуни. Контраст турлари: хажмдорлик ва яссилик, тарих ва силует, ёруқ ва қоронқу, илиқ ва совуқ, рангдор ва туссиз, ўлчамлар контрасти, шакллар контрасти, ранглар контрасти.

Бадий ижод кучлари – меҳнат, ирода, илхомланиш. Ижоднинг самара берувчи кучлари фикрлаш, сезги ва тасаввур. Бадий ижод компонентлари - билим, дунёқараш, бадий услуб, бадий нафосат, дид, маҳорат ва бошқалар.





7-мавзу. Керакли рангларни тайёрлаш.

Кейинги йилларда рангли левкас кенг қўланилмоқда. Биноларни безашда ишлатиладиган рангли левкаслардан бири рангли сувоқ

Флоренсия мозаикаси ишлашдек рангли картондан калка нусха олиб инкрустатсия бажарилади. Рангли левкас ишлашда сграфитто каби 3-4 рангда бўлиши мумкин. Калка нусха орқали чизматасвир деворга ўтказилиб, олдиндан тайёрланган рангли левкас пастаси (лойи) деворга сувоқ қилинади ва унинг ёнидаги бошқа рангдаги рангли левкас пастаси ҳам навбатма-навбат шу каби давом эттирилади. Аста-секин навбати билан ёнма-ён рангли левкас, қалинлиги 3 мм атрофида, сувоқ қилиниши давом эттирилади. Шу каби барча чизматасвир шакллари ишланади. Сграфиттодан фарқи ушндаки, сграфиттонинг бир неча қавати рангли сувоқ бўлиб, керак қатламгача қатлам олиб ташланган, инкрустатсияда эса рангли сувоқ пасталари ёнма-ён қилиб давом эттирилади.

Маҳобатли рангтасвир санъати билан архитектура биноларини безаш турларидан яна бири темперада ишланадиган деворий расмдир. Бу усул

бугунги кунда энг кўп тарқалган. Темпера бўёғини тайёрлайдиган заводлар томонидан кўп рангларда ишлаб чиқарилмоқда ва роспис ишлаш учун рассомларга қулайлик яратмоқда. Темпера бўёғи билан ишлаш маҳобатли ва дастгоҳли рангтасвир ишлашдаги қадимий усуллардан бири ҳисобланади. Темпера маҳобатли рангтасвир ишлашда мойбўёққа нисбатан афзалликка эга бўлиб, бўёқ юзаси ялтирамайди, чидамли ва мустаҳкамдир. Деворий расмда мойбўёқ бироз қораяди ва ёрилиб, тўкилиши мумкин. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, темперада ишланган деворий расм мойбўёққа нисбатан чидамли эканлиги маълум. Масалан, икона алиф билан қопланиб қораётган бўлсада, темпера бўёқ ранги ўз кучини сақлаб қолган. Тасвирий санъат ривожланиши жараёнида рассом усталар темперани табиий эмулсия қўшиб тайёрлаганлар. Одатда бўёқ кукунига елим, мой ва лак қўшиб тайёрлаганлар. Таркибида мойи бўлган темпера сувда ювилиб кетмайди. Рассом темпера билан ишлаётганида бўёқ қуриганидан кейин бироз оқаришини эътиборга олиши керак. Шунингдек, акрил бўёғи ҳам мавжуд.



8-мавзу. Рангда якуний тозалама нусха кўчириш.

Композициянинг ишчи эскизини ишлаш жараёни асосий ижод жараёни ҳисобланиб, бўлажак рассомда композиция ҳақидаги тушунчасини янада бойитади ва малакасини оширади.

Ишчи эскиз – мавзули композициянинг мукаммал якуни. Баъзи ҳолда зарурият туғилса, ишчи эскиз варианты ҳам бажарилиши мумкин. Ишчи эскизда композиция талаблари тўла бажарилган бўлиши керак. Яъни қиёфалар сони, ёрдамчи буюм – шакллар, манзаралар, портретлар аниқ-равшан акс этиши, ранг колорити ҳам тўла амалга ошиши муҳимдир. Тайёр бўлган композиция ишчи эскизи асосидан унинг бир бўлакчасини ҳақиқий ўлчамда рангли картони бажарилади. Бу эса, шу қисмнинг деворда бажарилиши зарур бўлган кўринишидир. Картонда шакл ва ранглар аниқ ишланади. Агар портрет қисми бажарилаётган бўлса ўхшашлик бўлиши муҳимдир.

Маҳобатли рангтасвир якуний ишни бажариш учун бино танлаб унинг жойини аниқлаб унча катта бўлмаган ҳажмда левкас услубида ашёда бажарилиши лозим. Якуний ишда талаба бир неча амалий машғулотларни бажариши керак.

Композициядан бўлакча бўлажак монументал асарнинг ҳақиқий бир бўлакча қисм ҳисобланади. Бўлажак тасвир композициясини бажариш кичик ҳажмда синаб кўрилади. Ана шундан кейин деворга ишлашни бошлаш мумкин.

Деворда бошладан олдин композиция тўлалигича рангли картонда бажарилади. Рангли картон девор ҳажмида тўлалигича амалга оширилади. Бу эса бўлажак асарни тўлалигича тасаввур қилиб, шакллари ишлов беришга, аниқ киритишга, бадийликка эришишга имкон беради. Рангли картондан калка нусха олинади ва тайёрланган асосга кўчирилади.



1-семестр. 2-вазифа. Ўрта Осиё миллий нақшларидан
нусха олиш.

1. Ўрта Осиё миллий нақшларидан нусха олиш.
2. Ўрта Осиё миллий нақш намуналаридан танлаш.
3. Наққошлик санъатининг ривожланиш тарихи.
4. Нақш турлари.
5. Нақш элементлари ва уларнинг турлари.
6. Стилизация ва унинг ўзига хос томонлари.
7. Наққошликда ритм, симметрия, жойлаштириш, тақси.
8. Нақш тузиш усуллари.
9. Ўсимликсимон ва геометрик нақшлар.

1-мавзу. Ўрта Осиё миллий нақшларидан нусха олиш.

Ўтмишда бадиий наққошлик меъморчилик билан чамбарчас боғлиқ бўлган. У икки турга бўлинган: ёғочга ва алебастр сувоқ устига ишланган нақшлар. Илгарилари ҳам деворлар сатҳи, шифт ва карнизлар нақшланган. Бундай нақшлар тухум ва елим аралаштирилган сувли буёқлар билан ишланган. Ёрқин, соф тонли, бир–биридан кескин ажраладиган буёқлардан фойдаланилган. Ҳозир ҳам деворларга ишланган нақшларда ўтмишнинг сеvimли безаклари–гулдондаги кўркам гулдасталар, эгилган мажнунтол ва ҳоказолар кўпроқ ифодаланмоқда.

Ёғочлардаги нақшлар одатда яхши сақланмайди. Чунки ёғоч тез чирийди ва шунга кўра ушбу санъатнинг қадимий намуналари аксари ҳолларда бизга етиб келмаган. Лекин унинг қадимий анъаналаридаги юксак маҳоратга мисол сифатида Самарқанддаги қадимий Ҳазрати Хизр масжиди ва Бухородаги XVI асрга мансуб Баландмачит шифтларига ишланган ажойиб нақшларни кўрсатиш kifоядир.¹


¹ Ахмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.–Т., 1997.

Хива, Қўқон, Бухоро хонликлари даврида халқ амалий санъати усталари шу шаҳарларга ва Самарқандгайиғила бошладилар. XIX аср архитектура ёдгорликларини кузатсак, кўп ҳолларда улар бир хил услубда яратилганлигини кўрамиз. Чунки ўша вақтлари наққошлар ахтариб бошқа шаҳарларга борар эдилар ёки буюртма бўйича бошқа шаҳарларга бориб биноларни безатар эдилар. Кўпинча Фарғона ва Бухоро наққошлари Самарқандга, Қўқон, Марғилон усталари Тошкентга келиб кўпгина биноларни безатар эдилар. Бу эса наққошлик мактабларининг янада ривожланишига ўзига хос композицияларнинг яратилишига, ранглар мажмуасини янада бойитишга катта рол ўйнади. Лекин бу нақшлар бир-бирига ўхшасада, ҳар бир шаҳар ва ҳар бир устанинг ўзига хос ранг колорити, услуби ва композицияси жиҳатидан фарқ қилади. Агар биз XX аср орасида яратилган ва ишланган нақшларни кузатсак, ҳар бир туман ва вилоятни ўзига хос наққошлик мактаблари яратилганлигини кўрамиз.²

Фарғона наққошлик мактаби. Фарғона нақши Хўжанд, Марғилон, Қўқон, Фарғона, Андижон, Наманган, Чуст, Қува, Олтиариқ ва Риштон шаҳарларида вужудга келган услублардан иборат. XIX аср ва XX аср бошларига мансуб бўлган нақшлар кўплаб осори атиқаларда сақланиб қолган. Қўқондаги Мадалихон даҳаси ва дехаи Шохон, Худоёрхон ўрдасидаги ва бошқа нақшлар ўзига хос кўринишга эга бўлсада, Фарғона нақшларида кўпроқ Бухоро, Хива нақшларининг таъсири бор. Лекин Фарғона водийсида ўзига хос наққошлик мактаби ривож топган эди. Фарғона наққошлари гирих, ўсимликсимон (ислимий) ва гулли гирих нақшларини безакларда қўллаганлар. Композицияларнинг симметрияли бўлиш принципига амал қилганлар. У бошқа наққошлик мактабларидан нақшларининг табиатга жуда яқинлиги, эркин ишланиши, рангларининг контрастлиги билан фарқланган. Булардан ташқари Фарғона нақшларида

² Қосимов К. Наққошлик. Халқ наққошлиги тўғараги.—Т., 1990.

табиатдаги гул, барг, ғунча ва бошқалардан тўғридан–тўғри фойдаланилган. Чунончи Фарғона нақшларига қарасак, писта гул, анор, атиргул, мажнунтол, бодомгул ва бошқаларни кўришимиз мумкин. Фарғона водийларидаги нақш композицияларнинг табиатга жуда яқинлиги Тошкент, Хива ва Самарқанд нақшларидан ажралиб туради. Фарғонада наққошлар четлари чиройли қилиб, ичига ислимий шакл туширилган қизил, яшил бўёқлар билан турунжни афзал кўради.³



Тошкент наққошлик мактаби. Тошкент нақшлари ўзининг нафислиги ва рангларнинг бир–бирига аста–секин ўтиши, аниқ бир колоритга қатъий риоя қилиниши, геометрик ва ўсимликсимон нақшларнинг кўп ишлатилиши билан ажралиб туради.⁴ Нақшлар кўпинча яшил гаммада ишланади. Ўсимликсимон нақшлардан ойгул, пахта, бофта, уч барг, шукуфта, баргли гул ва бошқа элементлар аниқ стиллаштирилган. Мураккаб геометрик нақшлар ишланади. Наққош усталардан Жалил Ҳакимов, Тохир Тўхтаўжаев, Олимжон Қосимжонов, Ёқубжон Рауфов, Анвар Илҳомов,

³ Зоҳидов П.Ш. Ферганская роспись.–Т., 1960.

⁴ Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана.–Т., 1991.


Комил Каримов ва бошқалар Тошкент наққошлик мактабининг асосчиларидирлар.

Хива наққошлик мактаби. Хива нақши Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Бухоро нақшидан тубдан фарқ қилади. Ранги жиҳатидан келсак, нақшларнинг умумий ранги кўпинча ҳаворанг колоритда ишланади. Ранглар кам ишлатилсада, ўзига кос кўркамликка эга. Хива нақшида асосан зангори ва яшил ранглар жуда кўп ишлатилади. Хоразм нақшлари бутун юзани геометрик нақшлар билан тўлдириб мовий ва яшил буёқ беришни яхши кўрганлар. Композицияда нақшларнинг тузатилишига қараганда, асосан новда спиралсимон айланиб–айланиб мураккаб нақшлар ҳосил қилади. Ислимий нақш композицияда новда, маргула, шукуфта, барг, нўхат гул, оддий ойгулдан ташкил топади. Бу ислимий нақшлар бошқа шаҳарлардаги наққошлик мактабларидан асосан нақшларнинг у иноқи ҳаракатчанлиги билан фарқ қилади. Кўпинча юлдуз ҳосил қилувчи гирихлар ишлатилиб, орасига спиралсимон ислимий нақш ишлатилади. Хива нақшлари умуман мадоҳили нақшлар асосида тўзилади. Кейин эса ислимий нақш спиралсимон майда қилиб ишланади. Хива наққошчилик мактабининг намояндалари Абдулла Болтаев, Рўзимат Машарипов, Одамбой Ёқубов, Эшмурод Санаев ва бошқалар.⁵

Бухоро наққошлик мактаби. Бухоро нақши ҳамма нақшлардан нақш композицияларининг мураккаблиги, мукамаллиги ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бухоро нақшларида мураккаб гирихлар аниқ, пухта ўлчамда ишлатилиши ўсимликсимон нақшларнинг ўзига хос санъат билан ишланганлиги нақшларнинг япроқ, мева, гул барглар ритмига алоҳида эътибор берилиши билан фарқланади.⁶

⁵ Қосимов К. Наққошлик.—Т., 1982

⁶ Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.—Т.: Мехнат, 1991.




2-мавзу. Ўрта Осиё миллий нақш намуналаридан танлаш.

Маълумки, исталган меъморий ёдгорликдаги нақшни таъмирлаш ва қайта тиклаш лойиҳасини яратишда ушбу ёдгорлик ҳақидаги ёзма тарихий манбалар, археологик ва илмий материаллардан ташқари график ахборотлар (чизмалар, схемалар, ўлчов ва фото материаллар, аксонометрик ёки перспектив тасвирлар) катта роль ўйнайди. Бундай материалларни ўрганиб, уларни бир–бирига таққослаб ва таҳлил қилиб ёдгорликни қайта тиклаш ва ниҳоят, унинг таъмир лойиҳасини тайёрлаш ўта мураккаб, маъсулиятли ва кўп вақтни олувчи жараёндир. Бу ишни анъанавий лойиҳа тахтаси ва чизма қоғозда бажариш тобора эскирган услубга айланиб бормоқда. Ушбу жараёни осонлаштириш мақсадида лойиҳачи меъморлар ва таъмирчи архитекторларга машина графикасининг автоматлаштирилган техник воситалари, электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) ва шунга ўхшаш техник тизимлар–замонавий компьютерлар ёрдамга келмоқда. Чет эл лойиҳалаш амалиётида бундай электрон тизималар аллақачон муваффақиятли қўлланилмоқда. Жумладан, энг такомиллашган ана шундай тизимлардан бири бу Auto CAD ва унинг асосида яратилган ArchiCAD ва Arcon тизимларидадир. Бу тизимлар лойиҳалаш жараёнини архитектуравий программалашга мослашган барча техник электрон ускуналарга эга бўлиб, улар замонавий иншоотлар лойиҳаларини бажаришда фойдаланилмоқда ва ўз таркибига намунавий бинолар лойиҳаларининг барча асосий стандарт элементларини киритган. Булар синчли, сиртли ва ҳажмий–фазовий қурилмалар, стандарт панеллар, эшик ва дераза ўймалари, яхлит блок қурилмалар ва бошқа меъморий элементларки, улар ёрдамида исталган бино ёки иншоотнинг моделини яратиш мумкин бўлади. Ушбу электрон дастурлар, айти пайтда, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва график қайта тиклаш ва нақш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнини ҳам тезлаштириш имконини бермоқда.


Ўрта Осиёда архитектуравий лойиҳалаш ишларида ҳозирги вақтда компьютерлар қўлланилсада, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш

лойиҳаларини тайёрлашда то кейинги йилларгача компьютер графикаси воситаларидан унумли фойдаланмай келинмоқда. Бироқ, замонавий электрон машиналар таъмирчи меъморларнинг лойиҳа ишларида ҳам чексиз қулайликлар ва имкониятлар туғдириши муқаррардир. Масалан, компьютер ёрдамида тез ва катта аниқлик билан ёдгорлик меъморий шаклларининг ҳандасавий мутаносиблигини топиш ва тиклаш, унда қўлланилган модул тизимини аниқлаш мумкин. Таъмирланаётган меъморий обиданинг тарзи ва қирқимларини тиклашда лойиҳачи турлича равоқ, ток ва гумбазлар шаклини чизишга мажбурки, бу мураккаб ва қийин жараён компьютерда бир неча сонияда катта аниқлик билан бажарилиши мумкин.


Маълумки, Ўрта Осиёда ёдгорликларини меъморий нақшларсиз тасаввур этиш қийин. Уларни чизмаларда қайта тиклаш эса ўта мураккаб ва маъсулиятли иш.




ИСЛИМИ НАҚШ КОМПОЗИЦИЯСИ ЯРАТИШ БОСҚИЧЛАРИ



Геометрик асос(1-босқич)



Геометрик асосда нақшни бошлаш
(2-босқич)



Нақшни бошқа раппортларга сим-
метрик кўчириш(3-босқич)



Нақшнинг чизиқли асоси
(4-босқич)



Нақшнинг рангли кўриниши
(5-босқич)



Нақшнинг тонал ва турли ранг
доминантларидаги вариантлари

Бироқ, юқорида номлари тилга олинган ва бошқа замонавий электрон дастурлар ёрдамида чизмани ўқ атвофида айлантириш, шаклни симметрик кўчириш, ритмик такрорлаш, исталган эгри чизик ёки сиртни чизиш ва

нақшни бажариш мумкинки, бу таъмирчи меъморларга лойиҳани ишлаш жараёнини ўта осонлаштириши мумкин. Компьютерлар (монитор тизимли блок, клавиатура) қўшимча босмага чиқариш ва нусха кўчирувчи (принтер, сканер, графопостроитель ёки плоттер) асҳалар билан жиҳозланса, уларнинг имконияти янада кенгайди, яъни кўп вариантли, тайёр чизмаларни тез, сифатли, хоҳлаган нусҳада ва ўлчамда кўпайтириш, чизмаларни хотирада хоҳлаган вақтгача сақлаш мумкин бўлади.

Деяйлик, компьютер техникасига ҳам эга бўлдингиз, у ҳолда сиз компьютерда чизма чиза оладиган бирор алгоритмик тил, махсус программалар пакети (ППП) ёки махсус системалардан бирига эга бўлишингиз ва улар билан мулоқот қилишни билишингиз керак бўлади.

Нақшларни компьютерда бажаришнинг осонлиги шундаки, уларнинг асос элементи—"таксим"ни чизиб олсак қолган қисми шу элементни маълум йўналишлар бўйлаб такрорлаб, симметрик акслантириб ёки бирон—бир бурчак остида буриб ҳосил қилинади.

Бундан ташқари нақшларни махсус чизувчи тизим (система)лар (AutoCAD, ArchiCAD TopCAD) ёрдамида ишни бундан ҳам тез ва соз бажаришимиз мумкин. Бу тизимларнинг афзаллиги шундаки, бирон бир тизим маълумотлар омборидан тўғридан—тўғри мулоқот (асосий ва қўшимча менюлар) орқали керакли чизик, тури ва геометрик нақшлар танланиб, нақш асоси яратилади ва "аффин қайта қуриш" услубларидан фойдаланиб, нақш композицияси тўлиқ шакллантирилади.

Экран (дисплей)да ҳосил қилинган нақш чизмалари чоп этувчи электрон асҳалар ёрдамида хоҳлаган нусҳа ва катталиқда чиқариб олинади.

3-мавзу. Наққошлик санъатининг ривожланиш тарихи.

Ўтмишда қурилган турар жой ва жамоат бинолари интерьерларини кўздан кечиран эканмиз, уларнинг ҳар қайсисида мавқе, функция, композиция ва зеб–зийнат жиҳатидан бино тархининг муҳим қисмида жойлашган битта ёки иккита асосий хонага эга бўлганлигини, қолган хоналарнинг ҳам нақшу–нигорлари ва меъморий ечимлари уларнинг функцияси ва мавқеига қараб амалга оширилганини кўрамиз. Жумладан, турар жой биноларида доимий оила аъзолари ўтирадиган хона ва меҳонхона, саройларда қабулхона, тахтхона ва базми жамшид хонаси, ибодатхоналарда саждагоҳли хона, масжидда хонақоҳ, ҳаммомда–миёнсарой (катта гумбаз) ана шундай асосий мавқе, функция ва зебу–зийнатга бой хоналардир.

Замонавий жамоат бинолари интерьерларида кўпроқ деворларга ишланган маҳобатли ранг тасвир безакларини қўллаш одат тусига кирган ва у замонавий наққошликнинг илгор анъаналари қаторидан жой олмоқда. Бу анъана истиқлол даври меъморчилигида ҳам ўз мавқеи ва ўрнига эга. Шунинг учун ҳам уни келажакда тараққий эттириш мақсадга мувофиқдир. Истиқлол даври жамоат бинолари интерьерларида нафақат деворларга, балки шифтларга ишланган нақшлар ҳам шаклланмоқда.

Нақш мавзусини танлашда бионинг вазифаси эътиборга олиниши лозим, нақш композицияси эса нақшнинг айнан қайси деворга ишланишига ва деворнинг параметрларига боғлиқдир. Жамоат биноларида, одатда бундай жойлар: холл, фойе, оммавий заллар, хоналарнинг деворлари, шиплари бўлиб ҳисобланади.

Энг илғор маҳобатли нақш композициялари қаторига ҳозирги вақтда деворларга тўлдириб ишланган ранг тасвирли яхлит ечимли нақшлар, бир нечта ритмик қисмлардан (триптихлардан) ташкил топган деворий безаклар ҳамда оммавий томоша залларининг шипларига ишланган нақшлар киради. Ҳар қанақа шароитда ҳам нақш композициясини танлашда у ишланаётган деворнинг томошабинга нисбатан жойланиш, нақш ва томошабин орасидаги кўриш, яъни томоша қилиш масофаси ва муҳитининг самарали уйғунлик

шартини назардан четда қолдирмаслик лозим. Нақш композициясининг ана шу уйғунлик асосида танланиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат нафақат жамоат бинолари интерьерлари, балки турар жой уйлари интерьерларида, шунингдек биноларнинг экстерьерларига ишланадиган деворий безаклар композициясига ҳам бирдай тааллуқлидир.

4-мавзу. Нақш турлари.

Нақшни чизишда, асосан икки манбадан – табиий ва геометрик шакллардан фойдаланилади. Ўсимликлар, ҳайвонлар ва қушлар нақш санъатининг тасвир объектидир.

Маълумки, ҳар бир нақш намунаси ўзига хос нақш элементларининг йиқиндисидан иборат. Стилизация ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан олинган турли шакллар масалан, буталар, новдалар, шохлар, барглар, гуллар, мевалар ва шу кабиларнинг табиий шакллари қайта ишлаш демакдир. Бунда танланган шаклни нақш композицияси таркибига қўшиш мумкин бўлган безак шаклига келтирилади. Бунда ўқувчи бутун бир яхлит предметнинг ташқи кўринишларини бир нечта бадий чизиқлар ёрдамида аниқ лўнда қилиб тасвирлашни ўрганади. Халқ усталари қадимдан қўллаб келаётган жами нақшлар табиат ҳамда воқеликнинг шартли тасвири бўлишига қарамасдан ўзига хос қонун-қоидаларга эга. Бу қонун-қоидалар табиатнинг ўзидан олинган. Ўсимликлар фақат бир томонга қараб ўсадилар. Масалан, мажнунтол худди пастга қараб тескари ўсаётгандек туюлади, лекин новдадан барг бўлиб, бир томонлама йўналишда давом этиб келади. Табиатнинг бу қонуни нақшда ўз аксини топган. Уста чизадиган нақш шунчаки қоқоз бетини тўлдириш учун эмас, балки, онгли равишда табиат ва бадийлик қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда манзара тасвирини чизишдан иборатдир.

Бадиий нақш ишлаш жараёнида ўқувчилар қуйидагиларни пухта ўзлаштириб олишлари зарур:

- атроф муҳитдаги, табиатда мавжуд бўлган табиий шаклларни қайта ишлаш, яъни стилизациялаш йўллари билишлари, ундан самарали фойдалана олишлари;
- берилган нақш элементлари ёки намуна асосида янги нақш композициясини туза олишлари;
- мустақил равишда янги нақш композициясини туза оладиган бўлишлари керак.

Нақш элементлари билан таништирув машҚулотларида ўқитувчи ўқувчиларни табиат қўйнига саёҳатга олиб чиқади ва улар машҚулотларда ўрганган назарий ҳамда амалий билим малакалари асосида, ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини кузатадилар ва “стилизациялаштириш” орқали уларнинг бадиий тасвирларини, шаклларини ҳосил қилиш билан бевосита шуҚулланадилар. Ўқувчиларга махсус кетма-кетлик асосида тузилган рангли ёки оқ-қора фото-суратлардан ва кўрғазмали куроллардан фойдаланиш орқали тушунчалар бериш ҳам яхши натижа беради.

Стилизация табиатда учрайдиган ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини, уй-рўзҚор буюмларини табиий кўринишдан анча соддалаштириб, энг ихчам кўринишларда тасвирлаш демакдир. Нақш чизишни ўрганувчилар ана шу усулни батафсил тушунган ҳолда эгаллаб олишлари лозим. Чунки кўпгина нақш композициялари ана шу тарзда қайта ишланган турли-туман шакллар, тасвирлар ёрдамида ҳосил қилинади.

Наққошлик машҚулотлари жараёнида нақш элементларини чизиш ва уларни ҳосил қилиш тартиблари йўллари ва усуллари ўзлаштириб борилади. Дастлабки машҚулотларда қуйидаги нақш элементлари чизиб ўрганилади:

- барглар (барг элементларини чизиш).
- гуллар (гул элементларини чизиш).
- новдалар (новда элементларини чизиш).
- боғлам ва сиртмоқ (уларни элементларини чизиш).

- таноб (таноб элементларини чизиш).
- марғула ва куртак (унинг элементларини чизиш).
- мадохил элементларини чизиш.
- гажак ва жингалак элементларини чизиш.
- бофта ва шкуфта элементларини чизиш.

Одатда бадий нақшлар чизишда кўпроқ барг тасвирларидан фойдаланилади. Бунда барг ислимий нақш элементлари сирасига кирганлиги сабабли нозик, нафис кўринишларда тасвирланади. Наққошлар тол, анор, хурмо, бодом, самбит, хина, атиргул, узумлар ва шу кабилар барглари стилизациялаштириб, нақш композициясини тузишда қадимдан фойдаланиб келганлар.

Гуллар - ислимий нақш элементи бўлиб, нақшларга тарғил пардоз берилганидан сўнг янада кўрк ва хусн бақийлашади. Гул элементлари асосан нақш шакллари нинг марказий қисмларига жойлаштирилади. Гулларнинг ҳам беҳисоб турлари мавжуд бўлиб, ўзига хос номлар билан аталади. Гул турларига оддий ва мураккаб кўринишдаги ойгул, лола, пахтагул, чиннигул, пистагул, кувачагул, карнайгул, сафсаргул, атиргул, наргизагул ва бошқа гул турлари киради.

Новда - ўсимликсимон нақш элементи сирасига киради. Гул, барг, мевабарг ва бошқа элементларини ўзаро боғлаб бириктириб тўлдиради. Намоён рута, морпеч, мунаббат, турунж ва турли мураккаб нақш композицияларида новда элементлари яқка ва қўш бандларда учрайди.

Таноб - нақш намуналаридаги асосий шакл йўллари ясайди. Бундай шакл номлари меҳроб, медохил қалампир, гардиш ва шу кабилар билан аталади.

Мадохил – ислимий нақш элементи. Мадохил лола, тумор, учбурчак кўринишини эслатувчи шакллар мисолида учрайди.

Шкуфта – ислимий нақш элементи. Қисқача шкуфт деб ҳам аталади. Шкуфта асосий шакл ясовчи элементларни куртак – гажак кўринишларида ўзаро боғлайди.

Рамзий нақшлар – кабутар, шер, балиқ, давлат герби ва бошқаларнинг стиллаштириб тасвирланган элементларидан ташкил топади. Ота-боболаримизнинг қадимий обидаларини нафис нақшлар билан безар эканлар завқ билан бир қаторда улар орқали ўз орзу умидларини, муҳаббатларини, тилакларини куйлаганлар. Наққош, ота-боболаримиз инсон руҳиятини жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиб уларни ажойиб нақшу нигорлар билан бойитганлар. Нақшланган уйда кишилар хотиржам, осойишталик оғушида бўлиши, узок умр кўришни донишманд боболар асрлар давомида ҳаётий тажрибалар асосида илҚаганлар. Наққошлик санъати тилини билиш учун нақшнинг ҳар бир элементи ва рангларининг рамзий алифбосини билмоқ керак бўлган.

Ислими нақш композицияларини тузиш (Йўл, квадрат, айлана, учбурчак ва турли шакл юзаларига) Халқ амалий санъатининг қайси бир тури бўлмасин, унинг заминида нақш элементларидан тузилган композиция ётади.

Islimiy naqsh kompozitsiyasi



Нақш композициясининг безак элементлари эса табиатда учровчи гул, новда, барг, парранда ва ҳайвонот дунёсини соддалаштириб тасвирлаш натижасида ҳосил қилинади.



5-мавзу. Нақш элементлари ва уларнинг турлари.

Талабаларнинг фантазиялари, мавжуд нақш элементларини маълум қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда жойлаштиришда улар маълум билим ва малакага эга бўлишлари лозимлигини тақозо этади. Биргина “Бодом”, “Қалампир” нусхалари шаклидан наққошлик, заргарлик, кулолчилик, каштачилик, зардўзлик каби халқ амалий санъатида турли-туман ўзига хос нақш намуналарини яратиш мумкин. Композиция тузиш йўллари ва уларнинг ҳомаки намуналарини тайёрлаш наққошлик, ганчкорлик, ёқоч ўймакорлик ва бошқа амалий санъат турлари учун умумийдек кўринсада, аслида қўлланиладиган ҳам ашёси, ижро пардоз турлари билан фарқланади. Композиция сўзи латинча бўлиб “жойлаштириш, қуриш, тузиш” деган маънони англатади. Бунда танланган нақш композициясига кўра унинг элементлари қоқоз юзасида бир-бирига боғлиқ ҳолда жойлашиб, яхлит композицияни ҳосил қилади. Танланган мавзу мазмунига мос келадиган нақш композициясини тузиш учун бир қанча ҳомаки эскизлар ишланади ва улардан талабга жавоб берадиганлари танлаб олиниб, композиция тузишда қўлланилади. Нақш композициялар тузишда бўлақларнинг ўрнини алмаштириш, қўшимча деталлар киритиш орқали унинг мавзусини янада бойитиш кабилар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Нақш мавзусининг ифодалашда композициянинг асосий қонуниятларига риоя қилиш лозим. Композицияда нақш яратиш муайян қоидасини симметрия, ассиметрия, мувозанат, деталларнинг ўлчови, шакли, ранги кабиларга риоя қилиш ташкил этади ва бунга қатъий амал қилинади.

Мустақил нақш тўқиш жараёнида ўқувчилар стилизация орқали тузилган элементларини ўзаро бириктирадиган нақш элементларининг вазифаларига ва уларнинг раво чизилишига эътибор берадилар.

Мустақил нақш композициясини тузишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Чизиладиган нақш композициясини шакл, ўлчам ва тақсимларини мўлжалга олиш.

- Композициянинг якка ёки қўш банддан иборат бўлишлиги назарда тутилган ҳолда таноб (ясовчи) элементи шакллари жойлаштириш.

- Композицияга новда, барг, гул ва бошқа нақш элементларини киритиб мукаммаллаштириш.

- Даврий такрорланиш.

- Нақш бандини бофта, шкуфта элементлари билан боғлаб бойитиш.

- Композициянинг асосий шаклини умумлаштириб нақшни номлаш.


- Композициянинг маъно ва мақсадини ҳисобга олган ҳолда ранг тусларини аниқлаш.

- Симметрик жойлашув ва ранглар мутаносиблигини сақлаш. Йўл, айлана, квадрат шакллари учун чизиладиган нақш композициялари ҳам ихтиёрий равишда мавжуд нақш элементлари бирикмаларидан тузилади. Мустақил нақш тўқишни бошлашда ўқувчи икки, уч ва ундан ортиқ элементлар ёрдамида энг содда нақш композицияларинини тузиши мумкин. Бунда ихтиёрий таноб шакли чизилади ва гул, новда, барг элементлари ёрдамида тўлдирилади. Мавжуд композицияни шакл ёки гул элементлари номлари ёрдамида номлаш мумкин.

Йўл, айлана, квадратга чизиладиган нақш композицияларини ҳам ихтиёрий равишда мавжуд нақш элементлари бирикмасидан тузилади. Ўар қандай нақш композициялари пишиқ ва чиройли чизилишига аҳамият берилиши керак.

Элементларнинг ўзаро тартибли жойлашуви нақшнинг жозибасини янада оширади.

Мустақил нақш композициясини тузишда ҳам халқ усталари ижодини кузатиш, халқ амалий санъати музейига бориш ва нусха кўчириш яхши самара беради. Ўқувчи қанча кўп нақш элементларини ёддан чиза олса, композиция тузиш шунчалик осон кечади. Содда нақш композициясини тузиш.





Общий вид купола
А. Неханов





6-мавзу. Стилизация ва унинг ўзига хос томонлари.

Стилизация - ўсимлик ва ҳайвонот дунёси буталар, новдалар, шохлар, барглар, гуллар, мева шакллари қайта ишлашдир. Наққошлик санъатининг илдизи жуда қадим ўтмишимизга бориб тақалади. Инсоният ўзи учун зарур бўлган жамики буюмларни бадий безаб, такомиллаштириб келган. Оддий рўзқор буюмларидан тортиб, кийим-кечак, китоб, бино безаклари ҳамма-ҳаммаси нақш элементлари ёрдамида безатилади. Халқ амалий санъатидаги безак элементлари табиатда учровчи ўсимлик дунёси, гул, новда, барг ва ҳайвонлар тасвирини энг сода кўринишидаги аксидир.

Ўтар бир воҳа ва шаҳарларнинг нақш композициялари бир-биридан ўзаро ажралиб туради. Тошкент, Хоразм, Фарғона, Самарқанд, Бухоро наққошлик мактабларининг ўз орнамент ва ранг коллоритлари мавжуд. Мустақил нақш тузиш жараёнида стилизация орқали нақш элементлари ўзаро бириктирилади. Нақш бўлақларининг вазифалари ва равон чизилишига эътибор берилади. Гул, барг, новда, бофта ва қўш бандлик нақш элементларидан нақш композицияси тузилади.

Бошланғич содда нақш композицияларини тузиш одатда талабаларда бу борада айрим назарий ва амалий тушунчалар, иш тажрибалари ҳосил бўлганидан сўнг мустақил топшириқ сифатида берилиши мумкин. Дастлаб талабалар буюм ёки юза сиртини, унинг ўзига хос ўлчамларини диққат билан кўздан кечириб, бўлажак нақш композициясининг шакл ва элементларини “хаёлан” танлаб оладилар. Албатта, бу нақш элементлари талабалар томонидан қачонлардир ўзлаштириб олинган ёки кузатилган нақш бўлақларидан иборат бўлади. Бунда талабаларнинг тасаввурлари, иш тажрибалари, фикр юритишлари қанчалик яхши ривожланган бўлса, шунингдек, хотиралари заҳирасида қанчалик кўп нақш элементлари мавжуд бўлса, улар ажойиб нақш композицияларини тузишлари мумкин бўлади. Тузилажак нақш композициялари бўлақлар асосида тузилиб, унинг нусхаси махсус усулда керакли жойларга кўчирилиб туширилади. Бу усулдан


фойдаланиш узоқ вақтлар мобайнида наққошлар меҳнатини анча енгиллаштириб келмоқда. Шу кўрсатмаларга мувофиқ шакл ясовчи режа-колип 4\1 нисбатда чизиб олинади. Рамка чизиқлари якка, қўш ва бир неча қўшимча чизиқлардан иборат бўлиши мумкин. Патнис кўринишидаги бу шаклга бофта ва гажак элементлари уланади. Навбатдаги босқич якка ёки қўш бандли таноб ясовчисини топишдир. Таноб шакли меҳроб ва юрак шаклидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Машқлар давомида чизиқлар ҳаракатининг равонлигига шакл чизиқларининг қийшиқ ёки синиқ ҳолатда чизилиб қолмаслигига эътибор қаратилади. Якка банд йўлидан иборат таноб айриси шкуфта элементи билан боқланади. Энди юза бўшлиқларига гул, новда, барг ва бошқа элементларни бир-бирига боғлаган ҳолда жойлаштириш режалаштирилади. Новда шакллар бўйича ҳаракатлантирилиб чизиб борилади. Композиция таркибидаги новданинг чизилиши гул ва бошқа нақш элементларининг бир-бирлари билан яхлит, узвий боқланиб кетишини таъминлайди. Нақш намунасига новда, гул ва барг элементларини жойлаштириш, яъни улаш натижасида композиция мазмуни тугал ечимини топади, мавжуд нақш композицияси патнис кўринишидаги нақшлар турига хос бўлганлиги сабабли “Патнис ислими” деб аталади.

Композиция режасини тузиш ва чизиш жараёнида шакл ва замин бўйича тарқалувчи ранглар ва элементларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳисобга олиниши шарт. Бунинг учун дастлаб нақш композициясининг қоралама нусхаси чизиб олинади. Сўнг, ана шу қоралама асосида ҳар бир бўлакка ишлов берилган ҳолда унинг нусхаси керакли жойларга кўчирилади ва яхлит нақш композицияси тузилади.

7-мавзу. Наққошликда ритм, симметрия, жойлаштириш, тақси.

Шарқнинг машхур олимларидан Абдулвафо ал Бузжоний (940-998) ўзининг китобларида 20 га яқин геометрик нақшлар ечими тўғрисида ёзиб қолдирган. Бу китобларда гирихлар ечимининг баъзи осон йўллари тушунтириб ўтилган. Бу китоб ҳозирда Париждаги музейларнинг бирида сақланмоқда. Абдулвафо ал Бузжоний асарларида гирихлар ҳақида маълумот берилган бўлсада, уларнинг кўпчилигини ечими ҳали ҳам жумбоқлигича қолган. ХҲП асрга келиб гирих санъати жуда кам ишлатиладиган бўлди. Гирихчи усталар ниҳоятда кам қолган, уни чизиш қийин бўлганлиги туфайли ҳамма усталар ҳам чиза олмаганлар. Ўша даврларда гирих нақшини яхши билган усталар етук усталар бўлиб ҳисобланган. Шундай усталардан бири Уста Ширин Муродовдир. У янги гирихларни осонлик билан чиза олган ҳамда ўз ўрнида усталик билан қўллай билган. У ўз даврида гирихни пири ҳисобланган.

Санъатшунос олимлар Л.Ремпельнинг “Панжара” ва “Архитектурный орнамент Узбекистана”. М.Булатовнинг “Геометрическая гармонизация Средней Азии IX-XV веков” каби асарларида гирих ҳақида батафсил ёзиб ўтганлар.



8-мавзу. Нақш тузиш усуллари.

Нақш композициялари ўзини рамзий маънолари, табиий шакл ва ранглар гўзаллиги билан халқ амалий санъати асарларига ж озиба ва кўрк багишлайди. Нақшлар бино, уй рўзгор ва бош қа турдаги жихозларга ишланшидан катъий назар, ўзига хос услуб ва мазмунга эга бўлади.

Нақш сўзи арабча - тасвир, гул деган маънони англатади. У табиатда учровчи ўсимлик, жайвонот дунёси ва турли геометрик шаклларнинг энг сода кўринишларида такрорланиб келувчи тасвири яъни безакдир. Ўзбек халқ амалий санъатининг барча турлари, ж умладан наққошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, қабилар учун нақш элементларининг чизилиш и ўхшаш кўринишларида, бажарилиш технологияси ва пардозлаш усуллари турличадир. М асалан: Ганчкорлик ва ёғоч ўймакорлигида нақш лар ўйиб, наққошликда чизиб, қаш тачиликда чок ёрдамида, мисгарликда зарб билан, зардўзликда қадаб ва шунга ўхшаш усуллар ёрдамида нақш солинади. Нақш ўсимликсимон геометрик, мураккаб деб аталувчи турларга бўлинади:

1) Ўсимликсимон (ислимий, югурувчи) нақш лар асосан гул новда куртак, барг, гунча қабил элементларнинг ўзаро маълум тартибда боғланиб тузилиш идир. Ўсимликсимон нақшлар яқа (бир) ва қўш (икки) бандли новда кўринишларида ишланади. Уларга мисол қилиб: рута хошия, рафтор, намоён, меҳроб, турунж, мунаббат ва хоқозо. қабил нақш намунапарини олиш мумкин.

2) Гириҳ (хандасий) чигал, тугун деган маънони англатиб, тўғри чизиқларнинг ўзаро кесишуви - натиж асида геометрик шаклларни ҳосил қилади. Гириҳ нақшлари ислимий нақш турлари сингари маълум бўлақлардан иборат бўлиб, алоҳида тузилиш ларига эга.

3) Гули гириҳ (аралаш) - мураккаб нақшлар, ўсимликсимон ва геометрик нақш турларининг ўзаро бирикиш идан ҳосил бўлади. Ҳондосий нақш композициялари, гириҳларни тузувчи усталарни наққошликда гириҳкор, қата усталар деб аташган. Геометрик наққошларни гумбаз меҳроб ва турли ш окларда қўллаб ишлаш анча мураккаб иш саналади. Янги нақш

композицияларини одатда наккош усталар чизиб бериганлар. Улар халк амалий санъати турлари учун чизилувчи накш ларнинг композицион тузилиши, чизилиши, ўйиш, тикиш усуллари ва пардоз бериши коидапарини яхш и билганлар Наккош усталар бир вақтнинг ўзида бир неча хунар турларини ҳам эгаллаб борганлар.

Рамзий сўзи арабча «ишора килмоқ» сўзини англатади. Накш ранглари ва элементлариинг рамзий маъноси: Рамзийлик олам ва одам рухияти, табиат воқелик, ҳаёт фалсафасини жонли чизиклар, ранглар оркали тасвирлаш дир. Накқошлик гаякорлик ва ёғоч ўймакорлигини санъатларида турли шакллар, гул элементлари ва ранг тусларининг рамзийфалсафий маънолари айникса кенг ифодаланади.

Яшил ранг - она табиат рамзи, кўк ранг - мовий осмон, сариқ ранг - муқаддаслик, қора ранг - матонат, оқ ранг тозалик, бахт ва омад рамзи, барг бахорги уйғониш, атиргул - гўзаллик рамзи, олма муҳаббат рамзи, анор эзгулик, тўкин сочинлик. Маълумки ҳар бир накш намунаси ўзига хос накш элементларига асос килиниб, табиатда учровчи ўсимлик дунёси, ҳайвонот олами ва турли геометрик шаклларнинг энг сода кўриниш ларидаги «стиллаштирилган» - ҳолатлари олинади. - Бунда танланган шакл кўришиш накш композицияси таркибига кўшиши мумкин бўлган безак ш аклига келтирилади. Накшда элементларнинг ўзаро бирикиб бориши, муттаносиб боғланишлари накш нинг бутун бир яхлитлигини таш кил этади. Накш чизишни ўрганишда дастлаб куйидаги шакллар чизиб ўрганилади.

Барглар, гуллар, новдалар, боғлам ва сиртмок, таноб, маргула ва куртак, мадохил, ғажак ва ж ингалак бафта ва шукуфта. Накш чизишда кўпроқ барг тасвирларидан фойдаланилади. Барг ислимий накш элементлари сирасига кирганлиги сабабли, нозик, нафис, эгилувчан, силлик кўриш иш ларда тасвирланади. Накқошлар тол, анор, хурма, бодом, самбит, атргул, чинор, узум ва ш у кабиларнинг баргларини стилизациялаш тириб, накш композициясини тузиш да кадмдан самарали фойдаланиб келганлар. Бафта ислимий ва мураккаб накш лар элементи. Накшдаги патнус таноб, меҳроб,

сават кўриниш идаги рамкаларни юрак шаклдаги элементлари билан боғлайди. Бофта накш ларда боғловчи элементлар таркибига киради. Бафта ислимий руфта ва гирих хошия накш ларининг ҳам ўзига хос элементларидан биридир.

Шкуфта - ислимий накш элементлари, кискача шуфта деб ҳам аталади. Шкуфта асосий шакл ясовчи элементларни куртак - гажак кўриниш ларида ўзаро боғлайди. Гуллар - ислимий накш элемента бўлиб, накшларга тарғил пардоз берилганидан сўнг янада кўркам ва хусн багиш лайди. Гул элементлари асосан накш шакллариининг марказий қисмига жойлаштирилади. Гулларнинг ҳам бехсоби турлари мавжуд бўлиб. Ўзига хос номлар билан аталади. Гул турларига оддий ва мураккаб кўринишдаги ойгул, лола, пахтагул, чиннигул, пистагул, кўвачагул, карнайгул, сафаргул, наргизгул, тирнок гул ва бошқа гул турлари киради.

Новда - ўсимликсимон накш элементлари сирасига киради. Гул барг, гунча, шобарг ва бошқа элементларни ўзига боғлаб бириктириб тўлдиради. Новда накш композицияларидан факатгина тўлдирувчи вазифасини бажарибгина қолмай, балки нозик ва равшан йўналишлари билан алоҳида шакллари ясайди. Табиатда барча дарахт ва ўсимликлар пастдан тепага ўсишлари сабабли, новда элементлари ҳам иложи борича бир том оғлам ва ҳаракат этирилади. Боғлам ва сиртмоқпар - ислимий накш элементларидир. Новда ва рамка шаклларига хос боғловчи оддий аркон, куртак ва сиртмоқ боғлам турларини эслатади.


Таноб - накш намуналаридаги асосий шакл йўллари ясайди. Бундай шакл номлари меҳроб, модохил, бодом, калампир, гардишваш у кабилар билан аталади. Таноб, бофта, шкуфта, боғлам элементлари билан боғланади.

Маргула - айрим новда ва таноб шакллариининг тугалланишини билдирувчи кўш-қизикли гажак, маргула накш композицияларида куртак элементлари билан бирин кетин тоғида ўриндош сифатида ҳам учрайди.

Куртак - асосан бодом, калампир, тирнок, кўриниш ларига эга. Маргула ва куртак элементлари новда, таноб, ясовчи кўриниш ларини бойитади.

Мадохил - ислимий накш элементи мадохил лола, тумор, учбарг кўриниш ларини эслатувчи шакллар мисолида учрайди. Мадохил меҳроб намоён накш ларининг кжори кисмларига хос элементдир.

Гажак ва жингалак - ислимий накш элементи. Табиатда учрайдиган узун, карнайгул, печак ўт новдаларини стилизациялаш тирилган ҳолдаги кўринишидир. Гажак ва жингалак элементларини номоён, гулдаста ва ислимий накш бирикмаларида учрайди.



9-мавзу. Ўсимликсимон ва геометрик нақшлар.

Нақшлар мазмунига кўра ўсимликсимон, гирих, гулли гирих, рамзий ва бошқа турларга бўлинади. Ўсимликсимон нақш табиатдаги барг, банд, дарахт, бута Қунча ва бошқа нарсаларни наққош томонидан стиллаштириб олинган шаклини маълум қонуниятлар асосида такрорланишидан ҳосил қилинган. Гирих- геометрик шакллардан тузилган бўлиб, чигал, тугун маъносини англатади. Хандасий нақш - мураккаб нақш тури. У геометрик нақш турларидан бири бўлиб, тўртбурчак, учбурчак, айлана ва ёйлардан ҳамда кўпбурчаклардан иборат бўлади. Геометрик нақш узлуксиз раппортлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир раппорт ўз тузилишига эга бўлади.

Рута - икки томонга уланувчи нақш тақсими, яъни ҳошия нақш. Унинг ўлчами кўпинча 14-20 см атрофида бўлади. Ҳошия нақш турли хил бўлиб, унинг меҳробга, хонага ишланишига қараб лўла ҳошия, ишком ва бошқа турлари бўлади.

Мунаббат - арабча ўстирмоқ деган маънони англатади. Асоси квадрат ёки тўртбурчакдан ташкил топиб, тўрт томонга такрорланадиган нақш тақсими. Катта юзаларни безашда мунаббатдан фойдаланилади. Мунаббатнинг ўсимликсимон, геометрик ва бошқа композицион турлари бор. Унинг мунаббати меҳроб, мунаббати бофта, мунаббати ислими, мунаббати гирих ва бошқа атамалари мавжуд.

Турунж - арабча “лимон” деган маънони билдиради. Русча медальон. Нақшларда композициянинг марказига чизиладиган нақш тури. Турунж ҳеч қандай нақшга уланмай муаллақ турадиган композиция бўлиб, унинг шакли асрлар давомида ривожланиб, бойитилган.

Намоён - форсча кўриниш, манзара демакдир. Намоён ҳеч нимага уланмайдиган мустақил композиция бўлиб, мураккаб нақш турига киради. Унинг ўсимликсимон, геометрик, гулли гирих, рамзий ва бошқа турлари мавжуд. Намоёнлар симметрик ва ассиметрик тузилишга эга бўлади.

Гирих нақш композициялари тузиш. Ўрта Осиё халқ амалий санъати қадимдан машҳур. Ота-боболаримиз яратган нодир санъат асарлари, улар қурган мухташам бинолар, архитектура ёдгорликлари ҳозирги кунгача ўз мафтункорлигини йўқотмаган. Чет эллик сайёҳлар ҳам қадимий ёдгорликларни кўриб лол қолмоқдалар. Булар жумласига Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси, Калон минораси, Самарқанддаги Шоҳи-зинда мақбараси, Гўри Амир мақбараси, Улуғбек, Шердор, Тиллақори мадрасалари қиради. Юзлаб халқ меъморларининг қўллари билан яратилган жонли нақшлар кишиларга кўтаринки рух бағишлайди. Чунончи, Улуғбек мадрасасини томоша қилар эканмиз, унинг таълим-тарбия мақсадида бунёд этилганлиги наққошлар беағи орқали сезилиб турибди. Мадраса беағидаги бир-бирини кесиб ўтган беҳисоб чизиқлардан ташкил топган нақшлар чарақлаб турган юлдузларни эслатади. Ана шу кўп бурчакли ва қиррали юлдузлардан ташкил топган геометрик нақшлар гирих деб юритилади. Ўрта Осиё ва яқин Шарқ мамлакатлари беағи санъатида гирих IX-XX асрларда раванқ топган. Археология фанининг маълумотларига қараганда Ўрта Осиё беағида гирих нақшини вужудга келиши VIII асрнинг бошларига бориб тақалади (Варахша ганч ўймакорлик намуналари, Муғтоғидаги топилмалар - Сўғд қалъаси). Зарафшон водийси, Хива (IX-XII асрлар)даги археологик топилмалар, XIV- XVII ўрта асрларга оид Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларда масжид, мақбара ва саройларини беағида гирих кенг қўлланилган. Аниқ фанлар ва қурилиш ишларидаги мувафакқиятлар ушбу беағи санъатидаги мавҳум геометрик шакллар учун йўл очиб берди.

Гирих – форсча чигал, тугун деган маънони англатади. Гирих мураккаб нақш турига қиради. Геометрик нақш муайян тақсимларга эга бўлади. Ўр бир тақсимнинг ўз тузулиши мавжуд бўлади. Гирих қатъий қонуниятга эга мураккаб шакллар асосида такрорланади. Демак, ҳар бир гирих ҳандасавий (геометрик) қонуниятлар асосида вужудга келади. Гирих ўзининг


мураккаблиги, аниқ қонуниятга эга бўлганлиги ҳамда кўркамлиги билан бошқа нақш турларидан ажралиб туради.

Гирих қатъий қонуниятга эга мураккаб нақшдир. Уста ислимий нусха чизишда истаган томонга навларни йўналтириши мумкин. Агар маъкул бўлмаса ўчириб бошқа ёққа йўналтириб бўш ўринларни гул, гунча ёки барглар билан тўлдириш мумкин. Лекин гирих нақшини чизишда уста чизаётган гирихга тобеъ бўлиб қолади. Чунки ҳар бир гирих хандасий (геометрик) қонуниятлар асосида вужудга келади. Хандасий нақшлар Ўрта Осиё ва яқин шарқ мамлакатларида жуда кенг тарқалган. У ўзини мураккаблиги ва аниқ қонуниятга эга бўлмаганлиги, кўркам ва вазминлиги билан совлат тўкиб туради. Бирон иншоотни безашда гирих билан ислимий биргаликда қўлланган бўлса, биринчи бўлиб кўзимизга гирих ташланади. Композицияда гирих етакчи ўринни, ислимий эса тўлдирувчи ўринни тутати. Шу сабабли гирих билан ислимий биргаликда қўлланган композицияда ислимий гирих чизиғини кесиб ўтмайди. Гирих биринчи, ислимий иккинчи планда туради. Ҳар бир халқни ислимий ёки оддий ўсимликсимон нақшларини кўрсак улар бир-биридан ажралиб туради. Чунки, ҳар ерни ўзига хос манзараси ва ўсимлик дунёси нақшида акс этиб туради. Бундан маълум бўладики, ислимий нақшлар географик характерга эга бўларкан. Гирихнинг Яна бир афзаллиги шундаки, у байналминал, географик характерга эга эмас: шу боис у ватан танламай ер юзининг ҳамма қитъасида ўз-ўрнини топа олади.

Гирих Ўрта Осиёда ва Яқин Шарқда кенг тарқалган мураккаб нақш тури бўлиб, XII-XVI асрларда айниқса, Ўрта Осиёда жуда кенг тарқалган, тараққий этган. Гирих яна Покистонда, Туркия, Испания, Япония каби мамлакатларда ҳам яхши ривожланган. Дунёда гирихнинг энг кўп тарқалган жойи Ўрта Осиёдир.

Биз гирих композициялари билан архитектура ёдгорликларидан тортиб, китоб муқоваларигача безатилганлигини гувоҳи бўламиз. Ўша давр учун

гирихни чизмачилик асбоблари, математика формалари асосида ишланиши катта илмий кашфиёт эди.



1-семестр. 1-вазифа. Роспись услубидаги бажарилган маҳобатли рангтасвир композицияси бўлагини ашёда ишлаш

1. Роспись услубидаги бажарилган маҳобатли рангтасвир композицияси бўлагини ашёда ишлаш
2. Композиция бўлагини танлаш.
3. Қаламда картон ишлаш
4. Рангли картон ишлаш
5. Сувоқ қатламларини тайёрлаш
6. Таглик (короб) тайёрлаш
7. .Калькага кўчириш
8. Чизматасвирни тайёр сувоқ қатлами устига ўтказиш
9. Рангда якуний тозалама бўлак бажариш

1-мавзу. Роспись услубидаги бажарилган маҳобатли рангтасвир композицияси бўлагини ашёда ишлаш

Архитектурани безашда маҳобатли рангтасвирнинг бир неча турлари мавжуд: яъни, алфреско (фреско, темпери расм), ритм мозаикаси, флоресия мозаикаси, сграфитто, рангли сувоқли инкрустатсия, рангли левкас, классик витраж, алюмин арматурали витраж, елимланган витраж, бетонли витраж, куйма витраж, мозаикали витраж, кундал, силикатли рангтасвир ва бошқалар ҳисобланади.

Бу турлардан фойдаланишда бионинг вазифасига, жойлашишига, муҳитига қараб белгиланиши мумкин. Ҳар доим архитектор билан ҳамкорликда архитектура ва маҳобатли рангтасвир синтези, уйғунлик мувоффақиятли амалга оширилса яхши натижаларга эришиш мумкин.

Табиатнинг гўзал манзарали бўлагига кўзимиз тушганда ундаги элементларининг бир-бири билан уйғунлиги топилганлигидан ниҳоятда завқланамиз. Бу албатта, табиат инъоми.

Антик даврдан бери маълум бўлиб, **темпера** деб аталган классик бўёқ архитектура декори технологиясининг асоси ҳисобланади.

«**Temperare**» - «темпера» сўзи италияликлар тилида аралаштириш маъносида ишлатилиб, ушбу ҳолда бирор бир елим ёки унинг сувдаги эритмасини бирор бир мой билан аралаштириш кўзда тутилади.

Ҳозирги пайтда темпера деб мойли боғловчи ёки эмульсия боғловчи асосда тайёрланган бўёқ ва елим аралашмасига айтилади. Эмульсия икки катта гуруҳга, яъни табиий ва суъий эмульсияларга бўлинади. Биринчи гуруҳга асосан сут ва тухум киради (тухум сариғи табиий ва ҳақиқий эмульсия ҳисобланади). Иккинчи гуруҳга яхлит тухум ва бўёқ, тухум сариғи ва бўёқ, тухум сариғи ва лак ҳамда казеин ва бўёқ қўшилиб тайёрланган эмульсиялар киради.

Интерьер ва экстерьер декори ишларида фойдаланиладиган эмульсияли боғловчи асосда тайёрланган бўёқлар бадий рассомчилик материали сифатида қадимдан ишлади.





2-мавзу. Композиция бўлагини танлаш.

Роспис – деворий расм тури бўлиб, кўпинча тайёр бўёқлар: казеинли бўёқ, поливинилатсетат бўёқ, тухумли бўёқ, акрил бўёқ каби рангли бўёқлардан қуриган цементли, оҳакли-алибастр сувоқли девор, DSP плита, фанера ва бошқа материаллар юзасига бажарилиши мумкин.

Бунда девор тайёрлаш фрескага ўхшаш бўлиб, сувоқ юзаси шпатлевка билан текислаб чиқилади ва грунт сурилади. Грунт учун сут, суюлтирилган казеин елимдан фойдаланиш мумкин. Грунтнинг вазифаси бўёқни сувоқда яхши ушлаб туриша учун зарур. Шунинг учун деворга олдиндан тайёрланган грунт суюқлигини каттароқ қилчўп билан икки-уч марта текис қилиб сурилади. Яхши қурилган деворга картон-калка орқали тасвир кўчириб ўтказилади ва аста-секин идишлардан тайёрланган рангли бўёқлар билан ишлов бериш бошланади. деворий расмнинг мукамал ва чироқли чиқиши рассом маҳоратига боғлиқдир.

Композицияда акс эттирилаётган жамики нарсалар ғоя ва мазмунга мос бўлиши асарнинг мувафақиятли чиқишига асос бўлади. Шу йўсинда бир неча композиция вариантлари бажарилади. Битта композиция варианты билан чегараланмаслик керак.

Композиция ишлашда мавзуга монанд рангларни танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ранг мавзуси ва ғоя шакл бир-бирига композиция учун жуда муҳимдир. Масалан, қайғули драматик мавзу композицияси ранглари ёрқин, байрамона ранглар мажмуасида бўлиши мос келмайди.

Композиция вариантларини ишлашда форескиздан фойдаланиш лозим. Бунда композиция элементлари тўлалигича тугалланмасдан умумлаштирилган ҳолда катта-катта қисмларда бажарилади. Мукамалроқ форескиз варианты топилгандан кейин шу асосда композиция охирги вариант сифатида амалга оширилади.

Асосий композиция вариантыда эса шакллар аниқ, қомат манзаралар ҳам мавзуга монанд, композиция колорити гўзал рангларда кўрсатилиши муҳим аҳамият касб этади.

Рассомнинг тасвирий санъат асари устида ишлаш усули ижод даврида бир неча босқичларга бўлиниши мумкин, яъни мазмун ва шакли ягона умумлаштирилади. Ижодий давр якунида маъно ва мазмун шаклга келтирилади. Бир қатор ижодий жараён даври таҳлили санъат назариясининг муҳим вазифасидир.





Микеланджело. Сотворение Адама. Фрагмент росписи Сикстинской капеллы в Ватикане. 1508—1512.



3-мавзу. Қаламда картон ишлаш.

Темпера рангтасвир (ропис) учун тасвир картонини тайёрлаш.

Вазифа мақсади: эскиздан фрагмент картонини рангда ишлаш тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Вазифани бажариш методикаси: катта томонига 100 см гача қоғозга калам, кўмир ёки сувбўёқ ёрдамида рангли фрагмент бажарилади.

Замонавий технологиялар темпераларга рақобатчи материаллар сифатида акрилл асосида тайёрланган бўёқ ва ихота заминларини таклиф этади. Уларнинг технология сифатлари классик технологиялар сифатидан қолишмайди ва намдан асло кўркмайди. Бундай материаллардан фойдаланганда ишнинг муваффақиятли чиқмаган жойларига улар қайта сурилиши мумкин. Акрилл асосида тайёрланган бўёқ ва ихота заминлари фақатгина классик рангининг ёрқин, тўла ва чуқур эмаслиги билан фарк қилади.

Амалда таълимнинг кўрсатишича, мустақил равишда бажариш учун берилган вазифанинг энг яхши тури талабаларнинг ижодий ишларини юзага чиқариш йўли билан улар олган ва эгаллаши керак бўлган билимнинг мустаҳкамланишини ташкил этишдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун институтнинг бирор бир деворини улар ихтиёрига топшириш мақсадга мувофиқдир. Бундай топшириқни бажариш фақатгина бино эстетикасини оширибгина қолмай, талабаларга қўлланманинг ушбу қисмида олган билим ва тажрибаларини амалда татбиқ этиш имконини ҳам беради.

Мойбўёқларга суюлтирувчи, эритувчи воситалар қўшиб ишлатилади. Улар мойли ва мойи камайтирилган бўлиши мумкин. Мойлибўёқни секин қуриши учун яхши восита бўлиб, у билан фойдаланилган пайтда рангтасвир секин қуриydi. Шу сабабли узоқ муддатда бажариладиган тасвирларни ишлашда қулайлик яратади. Бундай эритгичларга баъзан лак ҳам аралаштириб ишлатилиши мумкин, шундай қилинганда ишнинг бўёқ

қатлами тезроқ қурийди ва бўёқнинг мойи матога шимилиб кетишининг олди олинади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки мойбўёқ техникасида ранг қориладиган махсус тахтача (политра)нинг юзасида бўёқларни қандай жойлаштириш масаласи ҳам муҳим. Унда бўёқлар иссиқ-совуқ рангларга ажратилиб, шу билан бирга тўқ очлигига қараб ажратиб жойлаштириши мумкин. Оқ бўёқ одатда ўртада ёки ранглар қаторининг бошланишида бўлади. Агар ҳар сафар бир хил жойлаштирилса, рассом шунга ўрганади ва керакли бўёқни дарров топиб ишлатиш имкониятига эга бўлади.





4-мавзу. Рангли картон ишлаш.

Турли габарит ўлчамдаги оддий шакллардан иборат темпера рангтасвир (ропис) композиция тасвирини сувоқ юзасида яратиш. **Вазифа мақсади:** оддий шакллардан иборат фронтал композиция темпера рангтасвир (ропис) композиция тасвирини яратишни ўрганиш.

Вазифани бажариш методикаси: лаборатория устахонасида кичик ўлчамдаги тасвими деворда ёки яшчикда тасвир асосини тайёрлаб сувоқ қилинади. Бу шакллар ўлчами жиҳатидан турлича бўлиши мумкин. Ундан технологиянинг ҳамма қоидаларини ва босқичларини қўлланган ҳолда темирада тасвир бажарилади. Сувоқ текислигида тасвир композициясини яратиш вазифаси бажарилади.

Тасвирлашнинг тўлиқ рангтасвирли қурилиши, натуранинг асосий қисмлари оралиқидаги тус ва ранглар муносабатининг аниқ ва тўқри кўрсатилиши билан аниқланади. Натюрмортда улар – фон, натура қўйилмасидаги стол юзаси ва буюмлар қисобланади. Манзарада эса – осмон оралиқидаги ер юзаси ва дарёдаги сув, олдинги, ўрта ва орқа оралиқидаги кўринишлардир. Агарда бу асосий ранг-туслар муносабати (фарқлари) «етюд»да нотўқри тасвирланса, манзарадаги объектлар ёки буюмлар шаклидаги ранг туслари, рефлекслар ва жисм бўлаклари устида қар қанча берилиб ишланмасин, юқори савияли мукамал рангтасвирга эришиб бўлмайди. қаламтасвирни ишлашда қам тахлилий масала бажарилади: дастлаб буюмнинг «конструктив»-ички қурилиши, нисбатлари, яхлит умумий шакл топилади. Рассом шундай шароитда асло бу масаладан чекинмайди, натурани умумий ва яхлит кўради. Н.Н.Ге бежиз рассомларни огоқлантирмаган: «Натура»даги бош қисмларни белгилаб, нисбатларни текшириш учун дарқол асосий соя ва ёруқликни умумий синчиклаб ўрганиб чиқинг ва қар доим, қар вақт тасвирни бошидан охиригача умумлаштирган қолда чизинг қамда майда бўлақларга оқиста киришинг. Мана сизларга чизишнинг сири».





1. Основа стены.
2. Слой штукатурки.
3. Финишная шпаклевка.
4. Акриловый грунт под живопись.
5. Слой живописи.
6. Бесцветный прозрачный матовый акриловый лак.

5-мавзу. Сувоқ қатламларини тайёрлаш.

Биринчи услуб – кулолчилик лойи билан пиширилган қалинлиги камида 2 см бўлган плиталар тайёрланиб (унинг камчилиги кичик ўлчамлигидадир). Орқа томони ғадир – будир бўлиб, деворга сементли лой ёпиштирилади. Плиталар оралиғи эса очик қолдирилади, яъни лой блан тўлдирилмайди. Шу усулда тайёрланган деворда фреска ишлаш қулай ҳисобланади. Чунки плиталар намликни узоқ сақлаб, фреска рангтасвирини ишлашга қулайлик яратади ва девор сувоғининг оқариши (оқ кўпиклар) деярли бўлмайди.

Иккинчи услуб – намли бўлиб тубандагичадир: А) куриган сементли бетон девори юзасига ўткир асбоб ёрдамида чуқурчалар ҳосил қилинади. В) яхши намланган девор юзасига семент ва оҳак тенг аралашмасида тайёрланган қизил ғишт тенг миқдорда қўшилади. Бу майда сепилган лойга пардоз берилмайди ва нотекислигича қолдирилади. V) сепиб тайёрланган лой куриганидан кейин 1 қисм – эзилган оҳак, 1 қисм – қум, 1 қисм – майдаланган қизил ғишт ёки 2 баробар аралаштирилиб, лой сувоқ билан суволанади. Текисланган сувоқ юзаси шахмат каби ўткир учли асбоб билан чизиб чиқилади. G) ярим тайёрланган девор юзасига сув сепиб намланади ва сув синганидан кейин охириги грунт лой қатлами фреска учун сувоқ қилиниб тайёрланади (интонако).

Интонако таркиби ҳажм нисбатида: элакдан ўтказилган эски оҳак – 1 қисм кварсли майда қум 2 қисмдан иборат.

Қум ўрнига майдаланган мрамар ёки қизил ғишт билан аралаштириш мумкин. Бу грунт “акварел” усулида ишлашда фақат сувдан фойдаланилади. Аммо оҳак сути ишлатилса мустаҳкам қатлам ташкил этади.

Роспис учун деворни тайёрлаш.

Вазифа мақсади: деворни сувоқ қилиш, шпатлевка қилиш ва грунтлаш тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Вазифани бажариш методикаси: 80x80 смли деворга каноп ип
тортиш, оҳакли сувоқ лойини тайёрлаш, сувоқ қилиш, қуриган сувлқни
шпаклевка қилиш ва грунтлаш ишлари бажарилди.





6-мавзу. Таглик (короб) тайёрлаш.

Роспис учун таглик (короб) тайёрлашнинг замонавий усул икки қатламли грунт ҳисобланиб, икки қатлам ҳам бир хил таркибидаги грунт ҳисобланган.

Биринчи қатлам билан иккинчи қатлам орасига сув сепиб намланади. Иккинчи қатлам грунти деворга мустаҳкам ёпишишни таъминлайди.

1. Таглик (короб) биринчи қатлами грунти олдидан 5-6 марта сув сепиб намлаш лозим.

2. Таглик (короб)га грунти 3 смгача қалинликда сувоқ қилинади.

3. Биринчи қатлами 10-12 соат қурилади ва кейин иккинчи қатлам амалга оширилади.

Тўла қуриган коробни махсус қоришма (шпатлевка) билан короб юзи ёпилади яхши қуриганидан кейин майда қум қоғоз билан ишқалаб текисланади. Сўнгра қайнатилмаган сут ёки табиий елим эмулсияси билан грунт қилинади. Бунда катта флейсдан фойдаланиш мумкин. Кейин калька ёрдамида тасвир кўчирилади ва темпера бўёқига билан ишлаш давом эттирилади.

Мойбўёқларга суюлтирувчи, эритувчи воситалар қўшиб ишлатилади. Улар мойли ва мойи камайтирилган бўлиши мумкин. Мойли бўёқни секин қуриши учун яхши восита бўлиб, у билан фойдаланилган пайтда рангтасвир секин қурийди. Шу сабабли узок муддатда бажариладиган тасвирларни ишлашда қулайлик яратади. Бундай эритгичларга баъзан лак ҳам аралаштириб ишлатилиши мумкин, шундай қилинганда ишнинг бўёқ қатлами тезроқ қурийди ва бўёқнинг мойи матога шимилиб кетишининг олди олинади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки мойбўёқ техникасида ранг қориладиган махсус тахтача (политра)нинг юзасида бўёқларни қандай жойлаштириш масаласи ҳам муҳим. Унда бўёқлар иссиқ-совуқ рангларга ажратилиб, шу билан бирга тўқ очлигига қараб ажратиб жойлаштириши

мумкин. Оқ бўёқ одатда ўртада ёки ранглар қаторининг бошланишида бўлади. Агар ҳар сафар бир хил жойлаштирилса, рассом шунга ўрганади ва керакли бўёқни даров топиб ишлатиш имкониятига эга бўлади.

Мойбўёқда тасвирлар ишлашнинг жуда кўп ўрганилиши керак бўлган томонлари бор. Уларнинг барчаси кўп машқ қилиш орқали ўрганиб олиш имконини беради. Мойбўёқда тасвирларни ишлаш рассом учун ҳам, энди ўрганаётган талаба учун ҳам жуда қизиқарли машғулотдир. Аммо бу машғулотнинг жиддий қийинчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, у мойбўёқ рангшунослик билан бевосита боғлиқ. Мойбўёқ тасвирлар ишлашни ўрганиш натюрмортларни чизиб машқ қилиш орқали ўзлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.



7-мавзу. Калькага кўчириш.

Роспис ишлаш учун унча катта бўлмаган композиция эскизини яшаш зарур бўлади. эскиз мустақил мавзуда, ўлчами катта томонига 100 смгача бўлиши мумкин. Мавзу эса, “Портрет”, “Натюрморт”, “Манзара” жанрларида бажарилади. Бажарилган эскизни рангли картони ишланади. Бажарилган рангли картондан калка орқали нусха олинади. Калка нусхаорқали олдиндан тайёр бўлган деворга ёки левкасли планшетга чизматасвир кўчириб ўтказилади.

Тайёр бўлган грунт юзасидаги чизматасвирга кичик идишларда тайёрланган темпера бўёқлари ёрдамида аста-екин ишлов бериб рангтасвир амалга оширилади.

Рангтасвирда ҳам, иш бошлашдан аввал натурадаги умумий ранг муносабатларини диққат билан ўрганиб чиқиш лозим. Шунинг учун бу масалага 5-10 минут вақт сарфлаб, нутуранинг умумий ранг муносабатларини тушуниш керак: энг оч ва энг тўқ (зич) доқ қаерда, туси ва ранг кучи бўйича асосий фарқлар (тўйинганлиги) қандай эканлигини топиш керак. Масалан, натурадаги сариқ олмалар фондаги сариқ мато билан солиштирилса, олмалар матодан очроқ, уларнинг сариқ туси сариқ матога нисбатан ёрқинроқ (тўйинган) кўринади. Рангнинг уч хил ўзига қослиги бўйича натура қўйилмасидаги буюмларнинг асосий ранг хусусиятлилиги мавжуд.

Объектдаги умумийликни топилиши рассомни натурадаги иккинчи даражали белгилар, унинг майда бўлакларига, колоритли масалага мустасно ҳолда эътибор беришдан, умумий тус ва ранг қолатини, асосий тус ва ранг муносабатларини пайдо қилишдан чалқитишга қаракат қилади. Шундай қилиб нутуранинг ранглар қонуниятларида қам, асосийга эришилади, этюднинг кейинги майда деталли ишларига пойдевор яратилади.


Ранг муносабатларини аввало энг оч ва интенсив рангларни қидиришдан бошлаш керак, сўнг энг тўқини топиб, қолганларини эса

шуларга нисбатан аниқлаш маъқул. Кейинги тусларга бироз тўқроқ ва бироз интенсив бўлганлар ва бошқалар киради. Мураккаб кулранг туслар охирида берилади.



8-мавзу. Чизматасвирни тайёр сувоқ қатлами устига ўтказиш.

Ижодий давр якунида маъно ва мазмун шаклга келтирилади. Бир қатор ижодий жараён даври таҳлили санъат назариясининг муҳим вазифасидир. Шу мақсадда санъат асарини бир неча қисм ва элементларга бўлшига тўғри келади. Буни эса фақат назарий амалга оширилиши мумкин. Ижодий жараён даврининг муҳим томонларидан бир – бу энг аввало фикрнинг туғилиши, фикр йиғилиши ва фикрни олиб чиқиш. Ана шу ишлар маҳсулидан композиция устида ишлаш усулига боғлиқдир. Маълумки, ҳатто портрет ёки манзарани натурадан ишланаётган вақтда ҳам композиция тўғрисида ўйламаслик мақсадга мувофиқ эмас. Чунки уларнинг кўриш нуқтасини танлашда, тасвир элементларини жойлаштиришда, деталларни срлашда ҳам композиция муҳим аҳамиятга эга. Композиция орқали рассомнинг натурага бўлган муносабати, уни тушуниши ва унга берган эстетик баҳоси ҳам мужассамланади. Шундай қилиб, рассом композиция орқали қизиқишини ва ўзини тўлқинлантирган томонларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам ижод жараёнининг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. Ўқув машқлари ҳам, агар реал кўриниш (натура)га бўлган муносабати акс этса, бадийлик кўринишида бўлади. акс ҳолда еал кўриниш (натура)ни кўр-кўрона кўчирмаслик керак. Реал кўриниш (натура)ни – бутун болиқни ҳис қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, рассомнинг дунёқараши акс этган композициянинг биринчи манбасидир. Шахсий ижодий усул (дастхат)га эга бўлиш учун ўқиш жараёнидаги касбий билим, умумтаълим билимлари камлик қилади. Бу билимлар рассом дунёқарашига, дунёни ҳис қилишига, мустақил фикрлашга ёрдам бериши керак.



9-мавзу. Рангда якуний тозалама бўлак бажариш.

Маҳобатли рангтасвир снъати билан меъморчилик биноларини безаш турларидан яна бири темперада ишланадиган деворий расм **росписдир**. Бу усул бугунги кунда энг кўп тарқалган. Темпера бўёқ тайёрлайдиган заводлар

томонидан кўп рангларда ишлаб чиқарилмоқда. Роспис ишлаш учун рассомларга қулайликяратмоқда. Темперанинг казеин-мойли ва поливиниатсетат турлари мавжуддир.

Темпера бўёғи билан ишлаш маҳобатли ва дастгоҳли рангтасвир ишлашнинг қадимий усуллардан бири.

Темпера маҳобатли рангтасвир ишлашда мойбўёққа нисбатан афзалликга эга бўлиб, бўёқ юзаси ялтирамайди ва чидамли мустаҳкамдир. Деворий расмда мойбўёқ бироз қораяди ва ёрилиши мумкин. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, темперада ишланган деворий расм мойбўёққа нисбатан чидамли эканлиги маълум. Масалан, икона алиф билан қопланиб қораётган бўлсада, темпера бўёқ ранги ўз кучини сақлаб қолган. Тасвирий санъат ривожланиши жараёнида рассом усталр темперани табиий эмулсия кўшиб тайёрлаганлар. Одатда, бўёқ кукунига елим, мой ва лак кўшиб тайёрлаганлар. Таркибида мойи бўлган темпера сувда ювилиб кетмайди.

Рассом темпера билан ишлаётганида бўёқ қуриганидан кейин бироз оқаришини эътиборга олиши керак.

Ашёларнинг такомиллашув ва алмашинув жараёни – тарихий қонуний ходисадир. Тасвирий санъатнинг бу тури ривожланиш жараёнида таркиби ва хусусиятига кўра фарқли бўлган асос, бўёвчи буюмларнинг катта ассортиментида фойдаланилган. 7 Замонавий қурилишда турли хил синтетик полимер асосида қилинган ашёлар ҳақида махсус адабиётларда кенг ёритилган, лекин афсуски деворий суръат санъатини имкон бор даражада ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш ҳали ҳамон рассом ва интерьер бўйича дизайнерларнинг эътиборини тортгани йўқ. Шунинг учун ҳам биз бу китобда айнан шу услубларга алоҳида эътибор қаратганмиз.



**2-семестр 2-мавзу: Сграффито усулида ишланган маҳобатли
рангтасвир композицияси бўлагини ашёда бажариш.**

1. Композиция бўлагини танлаш.
2. Қаламда картон ишлаш.
3. Рангли картон ишлаш.
4. Сувоқ қатламларини тайёрлаш.
5. Таглик (короб) тайёрлаш.
6. Калькага кўчириш.
7. Чизматасвирни тайёр сувоқ қатлами устига ўтказиш.
8. Рангда якуний тозалама бўлак бажариш.

1-мавзу. Композиция бўлагини танлаш.

Сграффито (италиянча “сграффито”) - монументал деворий расмнинг янги турларидан бири ҳисобланади. У оҳакли-кумсувоқ ёки оҳакли - цемент-кумсувоққа ранг кўшиб рангли сувоқ қатламларини пичоқчалар ёрдамида кесиб олиш натижасида ҳосил бўладиган деворий расм туридир. Сувоқ нам ҳолда, қуришдан олдин керакли ранг қатламигача кесилади. Янги сувоқ қилинган деворга нусхаси олинган калка ёрдамида тасвир деворга ўтказилади ва кичик бўлакчаларга бўлиниб амалга оширилади.

Сграффито илк бор XV асрда Италияда пайдо бўлган. Биноларни сувоқ қилишда катта қисмларига безак бериш зарурияти туғилишидан бошланган. Кейинчалик бу усул Германия, Швецария ва Австрияга тарқалади. Ўтган асрни 60 йилларида Сграффито Рус монументалист - рассомлар томонидан кўп биноларни безаб оммага тақдим қилдилар. Ҳозирги даврда ҳам ўз қимматини йўқотмади. Бу усулда орнаментли безакдан ташқари мавзули деворий асарлар ҳам яратиш мумкин. Сграффито сувоқларини бажаришда биринчи қатлам нисбатан тўлиқ рангли сувоқдан бошлаш керак. Сувоқ қилиш бинолардаги оддий сувоқ қилиш каби ашёлар ёрдамида бажарилади.

Сувоқ қатламлари 0,2-1 см қалинликда амалга оширилади. Ҳамма рангли сувоқ қатламларини бажариб бўлгандан кейин бироз қотишини кутиш зарур, яъни бармоқ билан босганда осон босилиб бармоқ изи қолмаслиги керак. Ундан кейин олдиндан тайёрланган калка орқали тасвими деворга ўтказилади.

2-мавзу. Қаламда картон ишлаш.

Сграфитто маҳобатли рангтасвирнинг турларидан ҳисобланиб, қурилиш ашёлари асосида бажарилади, яъни оҳакли сувоқ, цементли кумсувоқнинг рангли турларидан фойдаланиб бажарилади. Ана шу хусусиятни эътиборга олиб, сграфиттонинг ўрни ва бажарилиш жойларини назарда тутиб композиция ишланиши муҳим аҳамиятга эга. Сграфитто бажаришда коробнинг намликка чидамлилигини ва намликда узоқлигини таъминлаш, ишлатилаётган сувоқнинг намликка чидамлилигини ҳам инобатга олиш зарур. Сграфитто бионинг интерьериди ва экстерьериди бажарилиши мумкин бўлиб, композиция ишлаш жараёнида эътиборга олиш керак. Экстерьерга сграфитто композиция деталлари, шакллари йирик, чизматасвири аниқ пластик ечимларда бажарилса узоқ масофадан кўришда қийинчилик туғдирмайди. Композициянинг эса бинога монанд жойлашуви муваффақиятли чиқишни таъминлайди.

3-мавзу. Рангли картон ишлаш.

Маҳобатли рангтасвир техникасидан бири бўлган сграфитто бажариш учун эскиз асосида рангли картон бажарилади ва ундан андоза олинади. Калкада бажарилган андоза сувоқ қатламлари тайёр бўлган девор юзасига тасвир нусхаси ўтказилади. Рангли картонга қараб керакли ранг қатламигача кесилади ва кераксиз қатламлар олиб ташланади. Сувоқ қатламларини кесишда деворга нисбатан писоқ кескич 90° бурчакда емас балки 60° - 70°

бурчак остида бўлиши керак. Чунки ёмғир ва чанг йигилиб қолиши мумкин. Ортиқча сувоқ ва қум қолдиқларидан тозалаб пардоз берилади.

4-мавзу. Сувоқ қатламларини тайёрлаш.

Оҳакли - қумсувоқ сграффитоси энг оддий тури ҳисобланиб, сувоққа этарли тусдаги ранг аралаштириб бажарилади. Оҳак хамирини сувоқ лойи тайёрлайдиган қутичага солинади ва озроқ микдордан қум билан аралаштирилади. Тайёр бўлган оқ суюқликни тегишли ранг пигменти билан яхшилаб аралаштирилади. Ана шу тарзда бошқа керакли ранг сувоқлари ҳам тайёрланади. Рангли сувоқ туси даражасини аниқлашда ҳамма рангли сувоқ лойи тайёр бўлгандан кейин намлигида бир-бирига яқинлаштириб аниқланади. Бунда оч рангдагиларини қорамтир тўлиқ ранглардагилари билан чўғиштириб кўрилади ва зарур бўлганда ранг кукуни кўшиб аралаштирилади. Сувоқ қилишда 1 мкв текисликка 1 см қалинликда сувоқ қилиш учун 10 литр сувоқ лойи зарур бўлади. Агар 0,3 мм қалинликда сувалса 3 мкв текисликка этади. Сувоқ лойини девордаги тасвирга этиши учун бир йўла тайёрлаш керак бўлади. Сувоқ лойини 3-5 кун ишлатиш мумкин. Чунки оҳакли - қумсувоқ тезда қотиб қолмайди. Ҳар сафар ишлатишдан олдин аралаштирилади.

Сграффито сувоғини деворга сувашдан олдин девор эски сувоқ қолдиқларидан тозаланади ва сув билан ювилади. Кейин деворни текислаш мақсадида оддий сувоқ қилинади ва кейинги қатлам яхши ёпишиб туриши учун шахмат шаклида ўткир пичоқча билан чизиб сувоқ қатламлари навбати билан амалга оширилади. Сувоқ қилишда малакали сувоқчига мурожат қилиш мумкин.

Рангли сувоқлар қоришмасини аниқлашда гипсдан ясалган пластина устига қалинлиги 1 см юзаси 0,5 дмкв. Шаклидаги қоришмани қўйилади. Гипсли пластина қоришма сувини шимиб олгандан кейин рангли сувоқ қоришмасини юза қисмини 1 мм кесиб олиб ташланади. Ана шу кўриниш ҳақиқий ранг

туси ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, қолган ранглами ҳам текшириб кўриш зарур. Бу усул сграффито қуриганидан кейинги ранглар тусида хатоликка йўл қўймасликка асос бўлади.

Оҳакли-рангли сувоқ қоришмаси учун ҳар доим оҳак ва қум битта жойдан олиниши керак. Чунки оҳак ва қум иш жараёнида ҳар хил бўлса сграффито ҳам тус жиҳатдан ҳар хил ўзгариши мумкин.

5-мавзу. Таглик (короб) тайёрлаш.

Вазифани бажариш методикаси: устахонада кичик ўлчамдаги тасвир рангли картонидан калка ёрдамида юмшоқ ёки фламмастер билан тасвир устидан чизиб, катта томонига 100 см гача бўлган фрагмент нусхаси бажарилади ва чизматасвири устидан игна билан тешиб чиқилади. Ҳосил бўлган майда тешикчалардан рангли қуқун ёрдамида сувоқ юзига шакл нусхаси туширилади.

6-мавзу. Калькага кўчириш.

Сграффито ишлиш босқичлари.

Вазифа мақсади: деворми тайёрлаш, нусха кўчириш, рангли сувоқ қилиш ва кесиш тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Вазифани бажариш методикаси: 80x80 см ли деворга ёки коробка қаноп ип тортиш, цементли сувоқ лойи билан сувоқ қилиш, грунт қилиш, калкадан тасвирни кўчириш, қуриган сувоқ юзига рангли лой билан ишлаш ва кесиб сграффито бажарилади.

7-мавзу. Чизматасвири тайёр сувоқ қатлами устига ўтказиш.

Сграффито курилиш ашёлари асосида амалга оширилади. Яъни оҳак, кум, ранг кукуни асосий хом - ашёдир. Яхши аралаштирилган оҳак ва кумга ранг кукуни қўшиб, сувоқ лойи тайёрланади.

Сграффито бажариш учун композиция асосида 3-4 рангдаги сувоқ лойи тайёрланади. Ундан кўп рангли бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки жами рангли сувоқлар бирин - кетин, устма - уст сувоқ қилиниб, рангли сувоқлар қатлами ҳосил қилинади. Сувоқ қатламлари 35-40 мм қалинликда бўлиб жами қатламлар 10-20 ммдан ошмаслиги керак.

Сувоқ қатламлари қалинлашиб кетса, девордан кўчиб оқиб кетиши мумкин. Чунки қатламлар курутилмай изма - из суволади ва керакли қатламгача кесиб олиб ташланади. Рангларни танлашда ранг тусларига ҳам катта эътибор бериш лозим. Ранглар иссиқ ва совуқ бўлишидан ташқари бир - биридан туслари билан фарқ қилиниши керак.

Сграффито учун сувоқ қилишдан олдин тайёр бўлган рангли сувоқ лойларини шарикчалар қилиб қуёшда қуритилади ва қуриган рангли сувоқ лойининг ранг ўзгаришини синаб кўрилади. Шунингдек, деворга ёнма - ён сувоқ қилиниб, кўриш ҳам мумкин. Чунки баъзи ранглар қуриганидан кейин оқариб ўзгариши мумкин. Бу усул ранглар тусини аниқлаш учун зарурдир. Баъзи ранг кукунлари кимёвий бўлиши мумкин, бунда рангли лойнинг бир - бирига таъсирини синаб кўриш лозим. Чунки ранг қатламлари ўзаро таъсир қиладиган бўлса натижада ранглар ўзгариб эскиздагидек амалга ошмаслиги мумкин. Сграффито учун рангли сувоқ лойлари цементли ҳам бўлиши мумкин. Цементли сграффито чидамлилиги ва намликка бардошлилиги билан ажралиб туради, кўпроқ экстерьерда бажариш мақсадга мувофиқдир.

8-мавзу. Рангда якуний тозалама бўлак бажариш.

Интерьерда сграфитто композиция деталлари, шакллари майдароқ, нафис чизматасвири, ўнозик чизиқлар бўлиши маҳобатли рангтасвир асарининг жозибали, чиройли, бадий чизиқларни таъминлаши мумкин.

Сграфитто композицияси учун ранг колерларини танлашда унинг жойига қараб танланади. Масалан, оқ+қора+қизил, оқ+кўк+зарғалдоқ, қора+зарғалдоқ+сарик каби гуруҳда бўлиши мумкин. Шунингдек, ранг туслари бир-бирига яқинроқ ҳам бўлишида композиция бажарилаётган жой, ўрнига боғлиқдир. Сграфитто экстерьерда бажарилаётган бўлса, контраст ранглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Сграфитто композициясини бажаришда мавзу ва рассомнинг истеъдоди ҳам рол ўйнайди.

Сграфитто композициясини бажаришда оддийроқ мавзу танлаб катта томонига 1 метр (100х80, 60х70, 60х80 см) ўлчамларда бажариш ёки каттароқ композициянинг бўлакчаси сифатида ҳам амалга ошириш мумкин. Кичикроқ ҳажмдаги композиция мустақил ечимга эга бўлиб, тугалланган асар каби бажарилиши кейинчалик мураккаброқ мавзуга композиция бажариш мақсадга мувофиқ.

Сграфитто учун композиция шлашда ишлашда унинг хусусиятига асосан бажариш керак. Сграфиттода 3-4 хил рангдаги сувоқда бажарилишини эътиборга олиб композиция тузилишини аниқлаш лозим. Майда шакллари кўп ишлатиш анча қийинчилик туғдириши мумкин. Композицияда катта ва кичик бўлаклари яққол локал рангларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Оддийроқ шакллардан фойдаланиб, унга катта ҳажмда бўлмаган деворий расм композициясини бажариш ва ундан кейин мураккаброқ мавзуларга ўтмоқ керак. Бу жараёнда ҳам макет, перспектива, форэскиз, ишчи эскиз, рангли картон, картон калка, ашёда композиция бўлакчасини бажариш босқичлари амалга оширилиши зарур. Мавзу танлашда ўзимликлар, нақшлар, қуш, ҳайвонлар тасвирланиши мумкин.



